

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯ КАФЕДРАСИ**

ЭШПЎЛАТОВ ШЕРАЛИ

**МУАЛЛИФЛИК КЎРСАТУВЛАРИГА ҚЎЙИЛАЁТГАН
ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР: ҒОЯ, МАВЗУ, МАҲОРАТ
МАСАЛАЛАРИ**

мавзусида 5320400 – халқаро журналистика йўналиши
бўйича бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

**“Аудиовизуал журналистика ва
оммавий коммуникация”**

кафедраси мудири

_____ **ф.ф.н., доцент Н.Қосимова**

2015 йил “29” май

ИЛМИЙ РАҲБАР:

_____ **ф.ф.н.**

А.Каримов

2015 йил “29” май

Тошкент – 2015

ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ:

Факультет декани: _____ **А. Нурматов**

Кафедра мудири: _____ **Н.Қосимова**

Илмий раҳбар : _____ **А.Каримов**

Расмий тақризчи: _____

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: МУАЛЛИФЛИК КЎРСАТУВЛАРИГА ҚЎЙИЛАЁТГАН
ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР: ҒОЯ, МАВЗУ, МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ**

ДАК қарори: ўзбек гуруҳи талабаси

Эшпўлатов Шералининг

битирув малакавий иши “_____” га баҳолансин.

17 май 2015 йил

ДАК раиси:

В.Луқмонов

ДАК котибаси:

Д.Файзиева

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1-БОБ. ТЕЛЕВИЗИОН АСАР ТАЙЁРЛАШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

1.1. Телевизион асар тайёрлашнинг замонавий талаблари

1.2. Телевизион асарда тасвир ва матн уйғунлиги, ижодий гуруҳ
ҳамкорлиги масалалари

1.3. Муаллифлик кўрсатувларининг хусусиятлари

2-БОБ. МУАЛЛИФЛИК КЎРСАТУВЛАРИДА МАВЗУ, ҒОЯ ВА ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

2.1. Телевизион чиқишлар учун мавзулар кўлами ва ғоя

2.2. Таҳлилий чиқишларда муаллиф маҳорати масалалари

2.3. Муаллифлик кўрсатувлари тили ва услуби

ХУЛОСА

ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ИЛОВА

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугун жамият тараққийетини ахборот ва ахборот технологияларисиз тасаввур қилиш қийин. Мунтазам равишда, ижтимоий ахборотга эга бўлиб бориш бугуннинг заруратига айланиб қолди. Том маънода, ахборот инқилоби, глобаллашаётган ахборот воситалари жаҳон манзарасини бутунлай ўзгартириб юборди. Жумладан, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳам бу жараённи ўз бошидан кечираяпти ва айни кунда ҳеч ким “оммавий ахборот воситаларининг бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётганини инкор эта олмайди”¹. Бу бевосита оммавий ахборот воситаларининг тезкор воситаларидан бири бўлган телевидениега ҳам тааллуқлидир.

Телевидение XX асрда ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида пайдо бўлди ва шу асрнинг ўзидаёқ миллий маданиятнинг ўзига хос ва маҳсулдор хазинаси, мазмунан ва ифода воситалари жиҳатидан ранг-баранг ва мукамал қудратли санъат воситасига айланди. Санъатнинг жуда кўп турларини, турли бадиий анъаналарни ўзида қамраб олгани ҳолда, у жамият ривожига, илғор ғоялар тарғиботига, умуминсоний қадриятлар, дунёвий маданият идеаллари билан чамбарчас боғлиқ маънавиятнинг тикланиш жараёнларига муносиб ҳисса қўшди. Телевидение жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишнинг фаол шаклларида бири сифатида маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни шакллантириш, уни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, ёшлар қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилиш сингари вазифаларни қамраб олади.

Жамиятда демократик тамойилларни жорий қилиш бугунги кунда аудиовизуал журналистлардан катта маҳорат, ўзига хос янги иш усулларини қўллашни талаб этмоқда. Журналист жойларда содир бўлаётган энг муҳим воқеаларни тезда илғаб олган ҳолда, оммага тезкорлик билан етказиши, фикр ва нуқтаи назарларнинг эркин айланишини таъминлаши керак. Бунда у фақат

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.-Т.:Ўзбекистон, 1999,- Б.24.

хабар бериш, воқиф этиш билан чегараланиб қолмасдан, маълум масаланинг ечимини излаши ва аниқлай олиши лозим бўлади. Бунда журналистнинг фаолиятида муҳим ўрин тутадиган кузатиш катта рол ўйнайди.

Замонавий телевидение дастурлари кейинги йилларда мазмун, сифат, шакл нуқтаи назаридан тубдан ўзгарди. Соҳага замонавий ахборот технологияларнинг кириб келиши, режиссурада техник имкониятларнинг ортиши телевидениенинг таъсир кучини янада оширди. Олиб борилаётган ислохотлар, кишилар онги ва шууридаги ўзгаришлар ҳам дастурларга қўйиладиган талабларнинг ортишига олиб келди. “Оммавий ахборот воситалари ҳамиша жамоатчилик фикрига кучли таъсир ўтказишга қодир бўлган фаол қуроли бўлиб келганини унутмаслигимиз керак. Шу сабабли журналист кадрларнинг, қалами ўткир, демак, одамларнинг қалбига кириб бора оладиган кишиларнинг масъулияти каттадир. Биз журналистлар аҳли сиёсий етук, масъулиятли, ҳалол ва виждонли, ўз ишини яхши биладиган, мамлакатимизнинг ватанпарвар кишиларидан иборат бўлишига эришмоғимиз даркор”². Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телерадиоканаллари, нодавлат телеканаллар дастурлари мундарижаси анча кенгайди. Турли мавзулардаги янги, замонавий телевизион лойиҳалар томошабинларга тақдим этилмоқда. Янги жанр ва услубларда, ўзига хос тарзда экранда намоён бўлаётган дастурлар, малакали журналистлар билими, кучи, маҳорати, дунёқараши билан юзага келаётган кўрсатувлар томошабин талабларидан келиб чиқиб намоёиш этиб келинмоқда.

Бугунги кунда телевидение ва унинг аудиторияси ўртасида бозор муносабатларидан келиб чиқиб, талаб ва таклиф йўлга қўйилган. Ўткир дидли томошабин аввалгидек, битта каналга тикилиб қолмайди. Унда танлаш имкониятлари жуда кўп. У истаса миллий телеканалларни, истаса паробалик антенна орқали хориж каналларини, интернет қаршисида онлайн каналларни

² Каримов И.А. Биз келагачимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1999, 391-бет

кузатиши мумкин. Томошабин бир каналда бўлмаса, бошқа бирида ўз савияси, қизиқиши, дунёқараши доирасидаги кўрсатувни танлаб олиб, ўша кўрсатувни томошабинига айланади. Мана шундай шароитда телевидение каналлари ва албатта журналистлар ўзаро рақобат асосида ўз телевизион кўрсатувларнинг томошабинбоп бўлиши учун тинимсиз курашмоқдалар.

“...Ҳозирги пайтда ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадий-эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда³”. Янгича кўриниш ва услубда эфирга чиқаётган телелойиҳалар сони кўпаймоқда. Телеканал дастурларида пайдо бўлган янги муаллифлик телелойиҳаларнинг ўз томошабинлари бор. Улар ўз ғояси, бошловчилар имиджи, режиссураси, мавзу кўлами билан ажралиб туради. Кўрсатувларни илмий нуқтаи назардан таҳлил ва тадқиқ этиш уларнинг сифат даражасини ошишига хизмат қилади. Иш шу нуқтаи назардан жуда долзарб саналади.

Илмий ишнинг янгиллиги. Телевидение экранда янги бир лойиҳа пайдо бўлар экан, унга муносабат билдириш илм аҳлининг биринчи галдаги вазифаси саналади. Шу нуқтаи назардан масалага ёндашганда, мазкур мавзу доирасида жаҳон олимлари тадқиқот ишлари олиб боришган. Матбуот нашрларида мавзуга доир чиқишлар ташкил этилган. Аммо, телевидение имкониятларининг кенгайиши, уларнинг ривожланиши билан талабларнинг янгича кўринишлари ҳам вужудга кела бошлади. Телевидениеда иш олиб борувчи журналистлар ва улар томонидан тақдим этилаётган лойиҳаларни илмий нуқтаи назардан баҳолаш, мавзулар таҳлили, муаллифлар маҳорати ва уларнинг кадрда ишлаш тажрибасига баҳо бериш ишда илмий муаммо сифатида қўйилмоқда. Мазкур кичик тадқиқот журналистлар, талабалар ва

³ Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч, Т.: “Маънавият”, 2008. –Б.134.

барча қизиқувчилар учун янгилик бўлиши билан бирга кўрсатув ижодкорлари тажрибасини ўрганиш илмий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Ишдан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар. Муаллифлик кўрсатувларида креативлик, юксак маҳорат, режиссура, тасвир, овоз ёзиш ва жамаки аудиовизуал журналистика сирларини билиш талаб этилади. Мавзу доирасида телевидениеда муаллифлик чиқишларининг ўрни, журналистлар маҳорати, ғоя ва мавзу танлаш каби жиҳатлар ҳақида ҳам сўз юритиш асосий мақсад сифатида танланди. **Юқоридагилардан келиб чиқиб**, вазифалар белгиланди:

Биринчидан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда аудиовизуал журналистика соҳасида амалга оширилган ишлар, ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор, телевидение ва телевизион журналистика соҳасининг ривожланишига эътибор қаратилди. Давлат каналлари билан бир қаторда нодавлат каналларнинг пайдо бўлиши, дастурлардаги мазмун ва сифат ўзгаришларига эътибор қаратилди.

Иккинчидан, телеканаллардаги янги, замонавий муаллифлик телелойиҳаларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада? Анъанавий телевизион лойиҳалардан юзага келаётган аралаш жанрдаги телевизион лойиҳаларнинг фарқлари ўрганилди.

Учинчидан, муаллифлик лойиҳаларда муаллифнинг ўрни, ижодий гуруҳнинг телекўрсатув тайёрлашдаги аҳамияти, телевизион чиқишларнинг ютуқ ва камчиликлари ва муаммолар ҳақида сўз юритилди. Кўрсатувлар ғояси, уларда олиб чиқилаётган мавзуларга эътибор қаратилиб, ўзига хос жиҳатлари саналиб, тизимли равишда тақдим этилди.

Тўртинчидан, муаллифлик кўрсатувларига қўйиладиган талаблар ва унинг амалдаги ижроси ўрганилди.

Бешинчидан, режиссураси, имиджи тасвир ва матн таҳлилига эътибор қаратилиб, келгусида кўрсатувлар савиясини ошириш учун яна нималар қилиш керак каби саволларга жавоб берилди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Объект сифатида асосан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (қиёс учун нодавлат каналлар)да эфирга узатилаётган янги телевизион лойиҳалар танладик. Кўрсатувларда олиб чиқиладиган мавзулар, журналистлар маҳорати масалалари илмий ва амалий нуқтаи назардан таҳлил қилинди. Манба сифатида Ўзбекистон ва Россияда чоп этилган адабиётлардан кенг фойдаландик.

Мавзуга оид маълумотлар, журналистлар маҳорати, режиссура ва аудиовизуал журналистикага оид адабиётлар, мазкур мавзу юзасидан ўтказилган амалий тадқиқотлар илмий ишимизнинг предмети вазифасини ўтайди.

Илмий ишнинг назарий-методологик асоси ва тадқиқот усуллари. Президентнинг ўтган йиллар давомида оммавий ахборот воситалари ва журналистикани ривожлантириш борасида турли маърузаларида ва асарларида айтган фикрлари ҳам мавзунини ёритишга ёрдам берди. Мавзунини таҳлил қилиш жараёнида назарий манба сифатида хорижда, асосан Россияда ва мамлакатимизда чоп этилган адабиётлардан ҳамда миллий матбуот саҳифаларида босилган материаллардан фойдаланилди.

Илмий ишни тайёрлашда обсервацион (кузатув), экспериментал праксиметрик (журналист асарлари таҳлили) каби эмперик методлардан фойдаланилди.

Ишнинг назарий-амалий аҳамияти. Мавзу шуниси билан аҳамиятлики, телевидениенинг аудиторияга таъсири ва жамиятда тутган ўрни жуда юқори. Журналистлар томонидан тақдим этиладиган чиқишлар экран қаршисида ўтирган томошабинга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди. Замонавий телевидение ижодкорлардан катта масъулият талаб қилади. Кучли ғоя ва юқори режиссурага эга бўлмаган кўрсатувнинг умри қисқа, аудиторияси тор бўлади. Аммо, телеэкранлардаги аксарият кўрсатувлар бир қолипда бўлганлиги одамни ташвишлантиради. Шунини ҳам қайд этиш керакки, ўзига хос услубга эга бўлган кўрсатувлар мавжудки, уларнинг ўз томошабини бор. Аксарият ижодкорлар аудиовизуал журналистика

талабларини, халқаро журналистика соҳаси сир-саноатларидан тўла хабардор эмас. Ушбу тадқиқот мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган муаллифлар, журналистика соҳасига эндигина кириб келаётган ижодкорлар ва журналистика факультетларида таҳсил олаётган талабаларга амалий жиҳатдан катта ёрдам беради.

Ишнинг тузилиши. Иш 2 та боб, ҳар бир боб учтадан фасл, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг илк боби “Телевизион асар тайёрлашга қўйиладиган замонавий талаблар” деб номланиб, телевизион асар тайёрлашнинг замонавий талаблари, телевизион асарда тасвир ва матн уйғунлиги, ижодий гуруҳ ҳамкорлиги масалалари, муаллифлик кўрсатувларининг хусусиятлари ўрганилган.

Ишнинг кейинги боби “Муаллифлик кўрсатувларида мавзу, ғоя ва тасвирий воситаларнинг аҳамияти” деб аталган, унда телевизион чиқишлар учун мавзулар кўлами ва ғоя, телекўрсатув муваффақиятида муаллиф маҳоратининг аҳамияти, муаллифлик кўрсатувлари тили ва услуби тадқиқ этилган.

Иш сўнгида хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати тақдим этилади.

1-БОБ. ТЕЛЕВИЗИОН АСАР ТАЙЁРЛАШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

1.2. Телевизион асар тайёрлашнинг замонавий талаблари

Сўнги йилларда, жаҳон телевидение ҳамжамияти ўртасида, телевидениеси қандай бўлса жамият ҳам худди шундай бўлади, ТВга монанд жамият, жамиятга хос ТВ мавжуд. Ким қандай жамиятда яшаса, у шундай (демократик, авторитар, ошкоралик ҳукм сураётган ёки цензура мавжуд бўлган) маъно, мазмун ва руҳдаги ТВ кўрсатувларини тамоша қилади. Ким қандай жамиятда яшаса, у шундай савиядаги, сиёсий фаолликдаги ТВ дастурларини кўришга мажбур, деган тушунчалар юради.

Таъкидлаш лозимки, мамлакат ичкарасида ёки жаҳонда содир бўлаётган реал воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида ва тўғри намоёиш этмаётган ёки улар ҳақида сукут сақлаётган ТВ ўз бурчига, асл моҳиятига, табиатига хилоф иш кўраётган оммавий ахборот воситаси ҳисобланади. Сабаби – ТВ аҳоли кўнглини очиш, маданий хордиқ чиқариш воситаси бўлиши билан бир қаторда, у энг тезкор, холис ва объектив ахборот манбаи ҳамдир. Телевидение жамиятда сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқ-одоб тамойиллари ва кодекслари билан барча учун бирдек бўлган умуминсоний кадриятларнинг тарғиботчисидир.

Телевидение соҳасида кўп йиллар фаолият олиб борган И.Абдухолиқов: “Тележурналист шарҳда, таҳлилда эркин бўлиши мумкин, лекин бўлиб ўтган воқеани, фактни, у кимгадир маъқулми-йўқми, ундан қатъий назар, бузмай, аниқ, қандай бўлса худди шундай баён этиши шарт, чунки, талқин, муносабат – эркин бўлгани ҳолда, факт, рақам - муқаддасдир. Ва бу журналистнинг касбий одоби-ахлоқига бевосита тааллуқли масаладир.

Театр аҳли – томошабинни қандай очиқ чехра, хушмуомалалик билан қаршилаб, уст-бош кийимини хурмат ва эҳтиром билан қўлидан олиб кийимхонага илиб қўйишдан бошланса, телевидение журналистининг

фаолияти ҳам худди шундай – гўзал хулқ, намунали одоб-ахлоқ, телетомошабинга нисбатан илиқ ва мулойим муносабатдан бошланмоғи лозим⁴ - дейди.

“Телевидениеда касбга доир бирон бир масалани ахлоқий меъёрларсиз ҳал қилиб бўлмайди” – деган эди телевидение амалиётини биринчи бўлиб маънавий-маърифий нуқтаи-назардан таҳлил қилган таниқли театр назариётчиси Владимир Саппак.

Журналист, инсонни унинг ирқи, жинси, тили, дини, сиёсий дунёқараши, шахсий нуқтаи-назари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишига қараб муносабатда бўлиш ёки камситиш ҳолларига йўл қўймаслиги лозим. Агар жамиятда шундай ҳолатлар рўй берса, уни ошкор этиши учун қўлидан келган барча имкониятларни ишга солиши керак.

“Журналист фаолияти принциплари Декларацияси”да бош тамойиллар (принциплар) сифатида қуйидагилар қайд қилинган: “Ҳақиқатни барча ҳурмат қилиши лозим, жамиятнинг ана шу ҳақиқатни билишга бўлган ҳуқуқи – муқаддасдир, ахборотни холисона тўплаш ва уни ОАВда чоп этишда эркинлик принциплари қўлланилиши даркор. Журналистнинг холисона шарҳ қилиш ҳуқуқи, танқид қилиш ҳуқуқи, касбий сирини сақлаш ҳуқуқи, ахборот манбаини ошкор қилмаслик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлари мавжуддир”.

Танқидий материал тайёрлаётган ёки журналист суриштируви олиб бораётган журналист олдида, айниқса катта масъулият туради. Эфирга у ўзи кўрган, уни чуқур ўрганган ва керак пайтида, воқеани объектив акс эттирганини конкрет фактлар билан исботлаб бера оладиган факт ва рақамларнигина олиб чиқиши керак. Агар иш судга ошадиган бўлса, суд жараёнида у ўзини ҳақ эканлигини тўла исботлаб бера оладиган бисотида далилларга эга бўлиши шарт.

⁴ Абдухолиқов И. Телевидениеда одоб-ахлоқ меъёрлари (халқаро журналистиканинг олтин қондаси)

Агар журналист қайсидир ахборот манбаига кўпроқ ишониб, уни атрофлича текширмай, нотўғри таҳлил, талқинини шошилишда эфирга бериб юборса (амалиётда бундай ҳоллар учраб туради), у тезлик билан хатосини тўғрилашга, воқеага доир сўнги, аниқланган маълумотларни айтишга (гарчи янги маълумот, илгари берган ахборотига тескари, зид бўлса ҳам), зудлик билан ошкор қилишга ошиқмоғи керак.

Телевидение аудиториясининг бошқа ОАВ аудиторияси билан солиштириб бўлмайдиган даражада катталиги, телетомошабинларнинг ёши ва қизиқиши нуқтаи назаридан кенг қамровлиги ва уларни воқеа-ҳодисалар билан шу воқеалар содир бўлаётган пайтда воқиф қилиш имконияти (тўғридан-тўғри трансляция) мазкур электрон ОАВга бўлган қизиқишнинг юқорилиги сабабли босма нашрлар (газета, журнал) учун оддий бир ҳол бўлиб қолган бош муҳаррир, муҳарририят нуқтаи назарини баён этувчи мақола (“муҳаррир колонкаси”, “бош мақола”) ТВда одат тусига кирмаган ва қўллаб-қувватланмайди ҳам. Телевидениеда бу кўриниш муаллифлик кўрсатувлари, “телевизион лукма” шаклларида намоён этилади.

Ғарб ОАВ амалиётида Тенг Имкониятлар Доктринаси деган ҳужжат мавжуд. Бу одатда сайловлар пайтида қўлланилади. Дейлик, агар бирон бир сайланадиган лавозимга сиз ўз номзодингизни кўрсатиб, дастурингиз билан ТВда чиққан бўлсангиз, сиз эфирда қанча вақтни эгалласангиз муҳолифингиз ҳам ўз фикрини экранда шунча дақиқа айтиш имкониятига эга бўлиши керак. Доктринага асосан ТВ, радио унга ҳам шунча вақт ажратиши шарт. Муаллиф ўз фикрини, нуқтаи назарини ягона тўғри нуқтаи назар, дейиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Бу тўғри эмас, у демократик принципларга жавоб бермайди ва журналист ўзини бундан тийиши даркор.

Жаҳоннинг йирик телерадиокомпанияларида ўз ходимларига воқеа-ҳодисалар ҳақида шахсий фикрларини билдириш ман этилади. Сиёсий вазият, сиёсий партияларнинг сиёсий позицияси ва етакчилари тўғрисида ўз муносабатларини билдиришга ҳам руҳсат йўқ. Чунки, ТВ бу – шахсий

мақсадда фойдаланиш, қасд олиш, орани очик қилиш, жанжал кўтариш, миллий, диний нуқтаи назарларни тарғиб этадиган, норозилик билдирадиган, халқ осойишталигини бузишга, ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқаришга олиб борадиган жанг майдони эмас. ТВ ҳақиқатни айтадиган, тенглик, ўзаро ҳамкорликни намойиш этадиган, умуминсоний абадий кадриятларга тегишли фикрларни билдирадиган ахборот макони, ортиқча эҳтиросга берилмай ҳурмат-эҳтиром, мувозанат сақлаб тортишадиган, баҳс майдони бўлмоғи даркор.

Маълумки, ТВ орқали инсон иззат-нафсига тегадиган, обрўсига раҳна соладиган ахборотни тарқатиш мумкин эмас. ТВда инсонлар, давра, қатлам, гуруҳлар орасига совуқчилик соладиган, мулоқотга киришишга тўсқинлик қиладиган, уларга нисбатан нафрат уйғотадиган ахборот тарқатиш (бу ҳатто кимлардир томонидан тўғри деб ҳисобланганда ҳам) ёки масалан, бирон-бир шахснинг оғир касаллигини (шифокор сирини, ташхисини,) ошкор қиладиган ҳуқуққа ҳам эга эмас. ТВда инсонга нисбатан салбий ҳиссиёт уйғотадиган, инсон билан дийдор кўришишдан, мулоқотга киришишдан олиб қочишга хизмат қиладиган мазмундаги ахборот тарқатиш ҳам ман этилади. Бирон бир инсоннинг ноқонуний хатти-ҳаракатларга алоқаси борлиги аниқланган тақдирда ҳам бу ахборотни ТВ орқали тарқатиш унга ҳаддан зиёд катта зиён келтириши мумкин. Тарқатилган ахборот унинг ҳақиқий айбига қараганда ҳам кўпроқ зиён етказишини инобатга олиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, унга етказилган зиён айбига монанд бўлмаслиги мумкин. Бу умуман ТВнинг эмас, ҳуқуқ органларининг, суднинг вазифасидир.

“Тележурналист экранга чиқиб бирон бир фикрни билдиришидан аввал: “Менинг ҳаракатларим қуйидаги талабларга жавоб берадими, йўқми?” – деган саволни ўзига бериши ва жамоатчилик муҳокамасига қўймоқчи бўлган масала бўйича қатъий бир қарорга келган бўлиши ва шундан кейингина микрофон ва камера олдига бориши керак.

Бунинг учун журналист дастлаб қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим:

– Бугун экрандан айтган гапларимдан эртага кўпчилик олдида уялмайманми?

– Кўрсатувдан кейин мен ўз қаҳрамонларимнинг кўзларига соф виждон билан бемалол тик қарай оламанми?

– Айтадиган гапларим бошқа маъно-мазмун чиқаришга асос, сабаб бўлмайдими, сўзларим кўпмаъноли бўлиб тескари маъно касб этмайдими?

– Эҳтиросга берилиб жиноятни – жасорат, жиноятчини эса қаҳрамон ва аксинча тескари қилиб кўрсатиб қўймадимми?

– Ахборот беришда, уни талқин қилишда ўз шахсий манфаатларим, мақсадларимни, фойдамни кўзлаб ёндошмадимми?

– Беихтиёр, фақат битта ижтимоий гуруҳ сиёсий мақсадларига хизмат қиладиган, бошқаларга, айниқса халққа зиён келтирадиган иш қилмаяпманми?

– Ўзим билмаган, ўйламаган ҳолда кимларнингдир кўлида ташвиқот куралига айланиб қолганим йўқми, билиб-билмаган ҳолда ёлғон-бўхтонларни тарқатиб юбормаяпманми?

– Менинг хатти-ҳаракатларим одилона, ҳақиқатгўй журналистика ҳақидаги тушунчамга тўғри келадими?⁵

Журналист унинг халқ манфаатларидан бошқа манфаати борлигига томошабинда тахмин ёки шубҳа ҳам туғилишига йўл қўймаслиги керак. Журналист ўз хатти-ҳаракатлари билан телекомпаниянинг даҳлсизлигига, унинг мустақил дастурий сиёсат юритаётганлигига шубҳа туғдириши ҳам ярамайди. Бундай ҳоллар телекомпания аҳлининг холислигига, имижига катта путур етказиши мумкин.

Телевизион чиқишларни яхшилаш учун энг аввало тажрибали, замон талабларига жавоб берадиган, ходимларни танлаб олиш, уларнинг профессионал даражаси, мукамал билим ва савияга эгаллиги алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда тележурналист деганда фақатгина

⁵ Абдухолиқов И. Телевидениеда одоб-ахлоқ меъёрлари (халқаро журналистиканинг олтин қондаси)

интервью олишни биладиган одамни тушуниш унчалик тўғри эмас. Айниқса, телевидение соҳасида фаолият кўрсатаётган журналистлар телевизион техника янгиликларини, унинг имкониятларини яхши билиши ва амалда ана шу имкониятлардан самарали фойдалана олиши ҳам лозим. Ана шу жиҳатлар бўлмаса, кўрсатувларга янгилик олиб кириш, уни қизиқарли ва томошабинбоп қилиб тайёрлаш бирмунча қийин кечади. Томошабин кўрадиган, унинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондира оладиган кўрсатувларни тайёрлашга интилиш кучли. Энг муҳими, соғлом рақобат муҳитининг юзага келишидир.

Телекўрсатувлар замонавий аудитория талаб ва истаклари асосида тайёрланиб, янги лойиҳалар билан томошабинлар билан мулоқотга чиқмоғи керак. Мавзуларни олиб чиқишдаги ёндашув, янгилик, замонавий технологиялардан фойдаланишдаги маҳорат туфайли кўрсатув тезда эътиборга тушади. Ижодкорлар томонидан тайёрланаётган кўрсатувларда воқеа-ҳодисаларни танлаш ва уларнинг таҳлилида, мазмун, услуб ва мавзуни ёритишда сўз, факт ва далилларни қўллаш, кадрдан-кадрга ўтиш, бошловчиларнинг қиёфалари, кўрсатувни жиҳозлаш сингари барча жиҳатлар оригиналлиги билан ажралиб туриши жоиз. Таниқли тадқиқотчи Эрик Фихтелиус: “Радио ва телевидение тили бутун мамлакат фуқаролари тилининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Радио эфирда ёки телевидениеда янграган янги сўзлар ва иборалар тез кунда ҳаммага тарқалиб, модага айланиб кетади. Бу эса телерадио журналистлар тилига алоҳида масъулият юклайди. Улар тил маданиятини асраши, жонли, ширали, адабий тилда гапириши зарур”.⁶ Чунки, экрандаги журналистдан кўпчилик ўрнатилган олади, ҳаётий андоза сифатида қарайди. Демак экранда кўринишнинг замонавий талаблари ҳам борки, уларсиз муаллиф жамоатчилиқка заррача таъсир этолмайди.

⁶ Фихтелиус Э. “Журналистиканинг 10 қоидаси”, “Шарқ”НМАК, Т.: 2002.-Б.42.

Россиялик олим Г.В.Кузнецова бу борадп шундай фикрларни келтиради: “Аудиторияга таъсир кўрсатишни истаган журналист, биринчи навбатда унинг қизиқишларидан келиб чиқиб ишлаши талаб этилади. Бунда у ёки бу кўрсатувларнинг медиаўлчовлари натижаларини билиш камлик қилади – журналист ёки бошловчи ўзи мурожаат қилаётган одамларнинг ҳаёт тарзини яхши билиши лозим”⁷.

Аудиториянинг умумий қиёфасида муносиб ўрин тутадиган телевидение кўрсатувлари ранг-баранг мавзуларда бўлиши, бош вазифа уларнинг талаб ва истакларига монанд келиши ва уларни бирлаштириб турадиган ғоялар билан суғорилиши жоиз. Мисол учун, мамлакатимиз учун асосий ғоя –аҳоли онгига истиқлол ғояларини сингдириш, уларни миллий мафкурамиз руҳида тарбиялаш, Мустақиллик даврининг қаҳрамони қиёфасини яратишга қаратилган.

XXI аср бошида, айниқса, у бир вақтнинг ўзида кўпгина йўналишларда ҳам жадал суръатда ривожлана бошлади. Я.Н. Засурский куйидагича ёзади: “Дарҳақиқат, Интернет XX аср охирида медиатизимни яхлит ҳолга келтирган тузилмага айланди. Охирги ўн йилликда Си-Эн-Эннинг шак-шубҳасиз монополияси сифатида кўринган глобал телевидение ахборот тарқатишнинг яна бир муҳим негизи бўлди. Мобил телефон техникасининг портлаш тарзида ривожланиши XXI асрнинг дастлабки йилларида коммуникацияларда янги даврнинг бошланишидан дарак берди. Қолаверса, технология оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ва ахборот олиш усулларининг ўзгаришида асосий роль ўйнади”⁸.

Зеро шундай экан, рақамли телевидениега оид қарорда янги турдаги хизматлар, жумладан, интерфаол ва мобил телевидениени жорий этиш ҳам режалаштирилган. Филология фанлари номзоди Х.Махамадалиев “XXI аср бошида уяли телефонлар жаҳон журналистикасининг тараққиёт жараёнини юқори босқичга олиб чиқди. Мураккаб техника кўринишидаги телекамера

⁷ Кузнецова Г.В.ТВ журналистика:Критерии профессионализма – М.: Изд.РИП-холдинг, 2002. –С.118.

⁸ Засурский Я.Н. Факторы, формирующие медиасистемы XXI века // Искусшение свободой. Российская журналистика: 1990-2004. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2004. С.55.

ёки ноутбук, ҳатто, микрофон ёки диктофон олиб юришнинг зарурати қолмади – буларнинг барчаси муваффақият билан уяли телефонларга алмаштирилди. Бундай телефонлар сайёранинг энг қайноқ нуқталаридан тўғридан-тўғри репортажлар узатиш имкониятини юзага келтирди”⁹.

Соҳага телевизион технологияларнинг кириб келиши билан, талаблар янгилана бошлади. ТВ соҳасига рақамли форматлар кириб келиш бошланди. “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Спорт”, “Тошкент” телеканаллари қаторига, “Маданият ва маърифат”, “Дунё бўйлаб”, “Наво”, “Кинотеатр”, “Оилавий”, “Маҳалла”, “Болажон”, “Диёр” телеканаллари ташкил қилинди.

Бугунги кунда фаол фуқаролик позициясига эга Ўзбекистон журналистлари олдида халқимизни воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги оддий ахборот билан таъминлашгина эмас, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказишдек вазифа ҳам турибди. Шу боис ҳам жамиятнинг турли қатламларини бирлаштириш, қолаверса, босқичма-босқич аҳоли, экспертлар жамияти ва ҳокимият бўғинларининг ўзаро мулоқот ва муносабат тизимини нодавлат телерадиостудиялар эфирида акс эттиришга қаратилган ижтимоий дастурлар ўрин олмоқда. Пировард натижада эса нодавлат телерадиоузатувчилар қадамба-қадам яратувчи, мустақил Ўзбекистоннинг келгусида янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшувчи кучга айланмоқда.

Нодавлат телерадиоузатувчилар ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли қатламларинининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, бу борада ҳудудий телерадиостанцияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижодий ва техник ходимларнинг касбий малакасини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш, журналистларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини жадаллаштиришга йўналтирилган.

⁹Махамадалиев Х. Ахборот даврига ўтишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни, /Оммавийкоммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами). Б.103.

Бугун вилоятларда ўнлаб нодавлат телеканаллар фаолият олиб боради. Улар томонидан тақдим этилаётган турли лойиҳалар аҳолининг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини қондиришда, ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқарашини ошишида ва бошқа соҳаларда катта ёрдам бермоқда. Кейинги йилларда пайдо бўлган “Менинг юртим -МУ5”, “Узрепорт” телеканаллари нодавлат телеканаллар сифатида халқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириб келмоқда.

1.2. Телевизион асарда тасвир ва матн уйғунлиги, ижодий гуруҳ ҳамкорлиги масалалари

Замонавий телевидение журналистлари олдига қўйиладиган бир қанча талаблардан хабардор бўлмаган мутахассис ҳар томонлама сифатли ва мазмундор кўрсатув тайёрлай олмайди. Аудиториянинг қабул қилиши ҳам қийин кечади. Буни тўлиқ англаш учун аввало телевидениеда бошқа оммавий ахборот воситалари журналистларидан фарқ қилувчи айрим жиҳатларни яхши ўрганиш ёш ижодкорлар учун жуда зарур. Мисол учун, газета ёки журнал ходими тадбир бўлаётган жой – объектга бориб бир ўзи ўрганиши ва мақола ёзиши мумкин. Бирор-бир танқидий-таҳлилий хат-хабарда баён этилган долзарб муаммони синчиклаб текшириш ҳам муҳим натижа беради. Бир неча йил муқаддам аввал фотожурналистларнинг газетадаги ўрни бирмунча юқори эди. Бугун эса деярли ҳар бир ижодкорнинг қўлида фотоаппарати бор, ўзи суратга тушириб, газета саҳифаларига ўз фотоасарларини бериши мумкин. Демак, матбуот журналисти қўлида қоғоз, қалам ва фотоаппарат бўлса мавзунини бемалол ёритиш имкони бор. Радиожаурналист учун энг асосий қурол эса диктофон ҳисобланади. Демак, матбуот ва радиостудия журналисти яқка ҳолда истаган жойга бориб ўз ижодий асарини тайёрлаб келиши мумкин. Бу нуқтаи назардан тележаурналистлар фаолияти бирмунча фарқ қилади. Яъни, тележаурналист ижодий гуруҳсиз йўлга чиқолмайди. “Телевидение асосан ахборот, маърифий

ва кўнгилочар замонавий электрон техник воситасидир”¹⁰. Телевизион асар бир кишининг меҳнати эмас. Ҳақиқий телеасар кўпчиликнинг ақли, иқтидори, тажрибаси билан вужудга келади.

Филология фанлари номзоди А.Каримовнинг “Аудиовизуал журналистика (тележурналистика)” қўлланмасида И.Абдухолиқовнинг тележурналист воқеани экранга олиб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериши кераклиги келтириб ўтилади:

- эҳтиросли сўз;
- чиройли рамзлар;
- телетомошабин ақли ва қалбига етиб борадиган тасвирлар;
- ёқимли овоз;
- характерли шовқин;
- кўрсатув моҳиятини очиб берувчи мусиқа;
- ва бошқа новербал воситалар ёрдамида яратади.

Профессионал журналист:

- тасвирий санъатдан;
- кино сиру-синоатларидан;
- ёзувчилик маҳоратидан;
- мулоқот қилиш, муносабатга киришиш – дипломатия санъатидан;
- электрон техникадан ва бошқа соҳалардан яхши хабардор бўлмоғи керак¹¹.

Қўлланмада ТВда журналист билан ҳамкорликда ишловчи гуруҳ аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилиб, гуруҳ таркибига:

- продюсер (инглиз тилидан таржима қилинганда producer, лотинчадан produce – “ҳосил қиламан”, “тасаввур пайдо қиламан” деган маънони билдиради) – ижодий жараён ташкилотчиси;

- тасвирчи;

¹⁰ Абдухолиқов И. Тележурналист устахонасидан, “Садо” газетаси, 2007 йил 1 февраль

¹¹ Каримов А. “Аудиовизуал журналистика (тележурналистика)”, Т.: ЎзДЖТУ, 2011.-Б.11-12.

- муҳаррир (редактор французча *redacteur*, лотинча *redactus* – “тартиб ўрнатмоқ” маъносида) – 1) мутахассис, материални таҳрир этиб (мазмунан ва грамматик кўриб чиқиш, қайта ишлаш, тайёрлаш) эфирга беришга масъул шахс; 2) ОАВ таҳририяти раҳбари;

- режиссёр (французчадан *regisseur*, лотинчадан *rego* – “бошқармоқ” деган маънони англатади) – мутахассис, телекўрсатув, жонли эфир, телевизион фильмлар бошқарувчиси;

- монтажчи (французчадан *montageur*, *montage* сўзларидан олинган) – кадрларни танлаб, бир-бирига улаб яхлит кўрсатувни яратувчи;

- овоз оператори, овоз режиссёри;

- видеомуҳандис;

- дастур бошловчиси;

- чироқ усталари”¹² киритилган.

Дарҳақиқат, ТВ иши фақат муаллиф ёки тасвирчи иши билан тугамайди. Бошқа касб эгалари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этади. Режиссёр иши ҳақида Ҳамидулла Акбаров “Малакали режиссёр сценарийни адабий жиҳатдан тўлдирмаган ҳолда ҳам уни ўз санъати билан бойитиши, муаллиф сўз билан ифодалаган мажозий образларга чуқур маъно бериб тасвир, мусиқа, монтаж имкониятлари ила уларни экранга олиб чиқиши мумкин”¹³ – деган эди.

Замонавий телевидение учун режиссёр ким? Афсуски, режиссёр иши кейинги йилларда телевидениеда иккинчи даражага тушиб қолди. Айрим кўрсатувлар фақат тасвирчи ёрдамида битта шахс томонидан тайёрланадиган бўлди. Ҳам кўрсатув муаллифи, ҳам режиссёр, ҳам бошловчилик қилаётганлар сони кўпайди. Бу эса кўрсатув сифатига, айниқса унинг режиссурасига салбий таъсир кўрсатади. Афсуски, телевидение остонасида иш олиб бораётган режиссёрлар иши жуда арзон баҳоланиб келди. Фақатгина, умрини шу соҳага бағишлаган ижодкорларгина кўрсатув

¹² Ўша манба.-Б.18.

¹³ Акбаров Ҳ. Теле-кинодраматургия:назария ва амалиёт, Т.: “Илм зиё”, 2006.

тайёрлаш ишига масъулият билан ёндашганлар. Режиссёр иши телевидениеда жуда юксак баҳоланиши керак. Муаллиф матнга, режиссёр эса тасвирга жавоб берадиган масъул ижодкордир. Таникли режиссёрлардан бири Ҳайбатилла Алиев: “Режиссёр ўз ватанининг, халқининг илғор зиёлиси бўлиши керак. Режиссёр ҳар томонлама мукамал тарбия олган, ўқимишли инсон бўлиши шарт. У ҳасад балосидан узоқ, фидойи инсон бўлиши зарур. Режиссёр ҳақидаги ақидада шундай дейилади: “У педагог, иқтисодчи, сиёсат бобида арбоб, йўлбошчи, яхши ташкилотчи. Режиссёр ҳар бир яратган асари билан янги кўриқ очувчи ижодкор. Бу тушунча ҳамма соҳадаги режиссёрларга тааллуқли”¹⁴. Режиссёрликни касб ёки хунар дейишдан кўра, ижодкор шахс деб баҳо бериш тўғрироқ бўлса керак. Муаллиф Ҳайбатилла Алиев фаолиятига бағишланган “Ҳайбати - маънавиятида” очеркида режиссёрлик ишига, режиссёрнинг кўрсатувлари, видеофильмлари ва бошқа жиҳатларга эътибор қаратади. Бундай ижодкорлар Ўзбекистон телевидениесига кўплаб топилди. Мақсуд Юнусов, Баҳодир Аҳмедов, Ҳайбатилла Алиев, Мираббос Мирзааҳмедов ва бошқаларни санаш мумкин. Уларнинг режиссёрлик маҳорати тўла ўрганилиши ва матбуот саҳифаларида ёритилиши, етишиб келаётган ёшлар уларнинг асарларидан иш ўрганишлари керак.

Китоб мутолааси инсон маънавиятининг бойишига хизмат қилади. Шу билан бирга, янги ғоя ва тасаввурларни уйғотади. Режиссёрнинг юксак ғояларни экранга олиб чиқиши билим ва тажриба билан бевосита боғлиқ. Мисол учун, Мираббос Мирзааҳмедов кўп йиллар давомида Ўзбекистон телевидениесининг “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” кўрсатувига режиссёрлик қилди. Энди эса нуруний отахон бўлиб кўрсатувга бошловчилик қиляпти. У ўз тажрибасидан, кўп ўқиши натижасида ҳосил бўлган билимларидан кенг фойдаланди. Шунинг учун ҳам, унинг кўрсатувлари режиссураси томошабин диққат-эътиборида бўлиб келди.

ТВда тасвирчи ҳақида гап борар экан, у:

¹⁴ Каримов А., Ҳайбати – маънавиятида, “Тошкент ҳафтаномаи”, 2003 йил 15 май

- сувратга олиш нуқталарини аниқлаш;
- кадрлар танлаш;
- объектни ёритиш;
- кинокамера имкониятларидан унумли фойдаланиш;
- тезкорлик кабиларни яхши билиши талаб этилади. Албатта бу кўйилган талаблар кўрсатув ютуғини таъминлайди.

Телевидение ишида тасвир учун жавобгар режиссёр деб аталса-да, барибир операторнинг имкониятлари режиссёрнинг имкониятларидан юқори. Чунки, кўлида камера билан кадр танлайдиган касб эгаси оператор хисобланади. Режиссёрнинг тасвир учун жавоб беришини, автомобил рули оператор кўлида бўлиб, уни режиссёр бошқараётган ҳолатга ўхшатиш мумкин. Демак, кўриниб турибдики, операторлик ҳунар эмас. У ҳам катта ижодни талаб қилади. Ғояни режиссёр бериши мумкин, аммо кўрсатув кадрларининг сифати оператор кўлида қолаверади.

Миллионлар диққатига ҳавола этиладиган телеэкран асари интеллектуал ижод намунаси, санъат тури бўлгани ҳолда, у малакали мутахассислардан иборат бўлган ижодий гуруҳларнинг фаол иштироки натижасида яратилади. Бу ижодий гуруҳ журналист, режиссёр, тасвирчи, мусиқий безакчи, монтаж устаси, чироқ устаси, кранчи-мутахассислардан иборатдир. Кўрсатув тайёрлашда ҳар бир касб эгасининг тутган ўрни жуда юқори. Кўрсатув муваффақияти фақат муаллиф маҳоратига боғлиқ эмас. Кўрсатув тайёрлаш жараёнида иштирок этувчи гримчиларнинг ҳам бу жараёнда ўз ўрни бор. Чунки, тасвирлар турли ракурсларга қараб белгиланади. Бошловчи ўзи истаган ҳолда турли нуқталардан кўрсатувни олиб бориши, у гоҳ экспертлар ҳузурида, гоҳ томошабинлар ичида бўлиши мумкин. Ҳар қандай маҳорат мақсадга қараб интилишдан, шу мақсад йўлида муттасил фикр юритиш, таҳлил қилиш, жаҳон тажрибасини ўрганиш, изланиш, ўз иши, яратган асарини дунёдаги энг буюк асарлар намуналари билан таққослаш, катта тажриба тўплаш ва сўзлар билан ифода қилиб бўлмайдиган, ҳар бир ижодий шахс онги, шуури билан етадиган чўққиларни

эгаллашдан ва бошқа муқаддас таъриф тавсифларга риоя қилишдан бошланади. Режиссёр иши телевидениеда жуда юксак баҳоланиши керак. Муаллиф матнга, режиссёр эса тасвирга жавоб берадиган масъул ижодкор саналади.

“Режиссёр” сўзи лотин тилидан таржима қилинганда “бошқарувчи” деган маъносини англатади. Бироз таҳрир қилиб гапирадиган бўлсак, “режиссёр” бу – сахна, экран, эфир асарлари: театр, кино, радио, телевидение ва бошқа оммавий сахна асарларининг тўлақонли муаллифи, ижодий раҳбари, сўзга, воқеага жон бағишловчи мутахассис дейиш мумкин.

Телевидениеда режиссёр иши худди кинодагидек муҳим аҳамиятга эга. Бироқ баъзи ҳолларда ижтимоий-иқтисодий кўрсатувларда, ахборот дастурларидаги лавҳаларни суратга олиш жараёнида режиссёрга, режиссурага унчалик ҳам жиддий аҳамият қаратилмаётганга ўхшайди. Гоҳида профессионал режиссура назарияси ва амалиётдан мутлақо хабари бўлмаган муҳаррир, телеоператор, режиссёр ассистенти, ҳатто монтажчи ҳам малакали режиссёр қилиши керак бўлган ишни “қойил қилдим” деб кетаверади.

Замонавий теле ёки видеооператорлик касбининг дастлабки аломатлари аввал тасвирий санъатда, фотосурат сиру-синатида, сўнгра кинематографияда пайдо бўлган. Шу сабабли ҳам бу касб ҳаётни акс эттиришда ёки телевидение санъатига дахлдор асарларни яратишда кўп усул, услуб ва анъаналарни ўша кўҳна тасвирий санъат туридан, фотографиядан, кинодан олган. Лекин, афсуски, узоқ телевидениедаги операторлик маҳорати профессионал кинематографиядан анча орқада қолиб кетди, айрим ҳолларда ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

ТВ операторидан талаб қилинадиган нарса, у тасвирга туширган ҳар бир кадр кўтарилаётган мавзу ёки кўрсатилаётган воқеа ҳозир, шу дақиқаларда сизнинг кўз ўнгингизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисанинг моҳиятини, унинг бутун мураккаблиги билан очиқ берадиган давр, замон ва макон ҳужжати бўлмоғи керак. Ҳали биз таъкидлаган тезкорлик ана шу

жараёнларда алоҳида аҳамият касб этади. Воқеа бир зумда содир бўлиши, воқеанинг кульминацион нуқтаси ўтиб кетиши мумкин. Операторда тезкорлик бўлмаса, ана шу дақиқалар камерадан четда қолса, демак тасвирчи етарли маҳоратга эга эмас. Томошабин эътибор берадиган, кўришли, “тош босадиган” кадрлар сюжет юғини таъминлайди.

Халқаро аудиовизуал журналистиканинг маълум талаблари мавжудки, бу талаблар ижодкорда мунтазам жаҳон оммавий ахборот воситаларини кузатиб бориш, журналистиканинг қайноқ қозонида қайнаш орқали шаклланади. Энг муҳими эса, тасвир ва матн уйғунлигига эришиш ижодий ҳамкорлик орқали амалга ошади.

1.3. Муаллифлик кўрсатувларининг хусусиятлари

Кўрсатувлар оммавийлигини таъминловчи дастлабки хусусият унда кўтариладиган мавзуларнинг долзарблигидир. Бугун телевизион журналистиканинг ўзига хос хусусиятларидан бири, рекреатив услубни деярли ҳар бир жанрда учратиш мумкин. Сабаби телевидениеда кўнгилочарлик вазифаси янгилик етказишдан кўра бир поғона юқорига кўтарилди. У синкретик (омухта) жанр сифатида ривожланиб бормоқда. Аҳоли ТВни асосан дам олиш учун кўрмоқда. Демак, рекреатив кўрсатувлар тили ва унда оммавий мулоқот ўрнатиш ўзига хос қонун-қоидаларни талаб қилади. Уларни қуйидаги режа асосида ўрганиб чиқиш мумкин:

- сценарийнинг умумий структураси;
- сўз ва тасвир мутаносиблиги;
- матн мазмуни ва ундан кўзланадиган мақсад;
- жумлаларнинг грамматик жиҳатдан тўғри тузилиши;
- орфоэпия (талаффуз қоидалари)

Сценарийнинг умумий структураси. У кириш, асосий қисм ва, якуннинг тадрижийлигини қамраб олади. Муаллиф киришда айтмоқчи бўлган фикрини якунда йўқотиб қўймаслиги лозим. Ёки асосий қисмда фикр

тугалланиб, якун олди-қочди гаплардан иборат бўлмаслиги муҳимдир. Шунингдек, бу уч босқичнинг қандай шаклда бўлиши ижодий ёндашувга боғлиқ.

Замонавий журналистикада кириш алоҳида аҳамият касб этади. Бугун гапни узоқдан бошламай, мавзуга бирданига ўтиб кетиш самарали деб ҳисобланади. “Ёшлар” телерадиоканалининг “Нуқтаи назар” ток-шоуси муаллифи ва бошловчиси Камола Одилова айтиши шу йўналишдан фойдаланади. Шунингдек, киришнинг воқеавий тарзда бошланиши, якунда яна шу воқеага қайтиш усули ҳам томошабинни ўзига жалб қилади, дастур сўнггига қадар томоша қилишга ундайди. Бунга мисол тариқасида “Ўзбекистон” телеканалининг “Мен, сен ва У” кўрсатувини айтиш мумкин. Унда психологик драмада кўтарилган мавзу доирасида фикр юритилади, мутахассис муносабати билдирилади.

Телевидениеда тасвирнинг ҳам мавжудлиги унинг оммавийлигини таъминлаб берадиган унсурлардан биридир. Демак, сўз ва тасвирнинг ўзаро мутаносиб бўлиши муҳим жиҳат саналади. “Экран учун асар ёзишнинг энг катта қийинчиликларидан бири – ички драматик бирликка эришиш. Буни сценарий ёзиш жараёнида топиш даркор. Кейинчалик, режиссёр, тасвирчи, овоз режиссёри томонидан бу мазмун ва шакл бирлигини сақлаб қолиш ва кучайтириш керак”.¹⁵

Дарҳақиқат, бу вазифани уйдлаш бироз мушкул. Бордию, гапга мос келадиган кадр етишмаса матннинг бу қисмидан воз кечиш афзалроқ. Негаки овоз ва тасвирнинг мутаносиб бўлмаслиги, экран ортидаги шахсни алдаш билан баробар. Томошабин жуда ақли ва эътиборли. Демак, уни чалғитиб бўлмайди. Тасвирга олиш жараёнида дуч келинган қизиқ топилмаларни эса, дарҳол сценарийга киритиб қўйиш ўринлидир.

20. Пардаев А, Рўзиев Ф, Маҳмадалиев Х. Журналистикада тил ва ифода. Тошкент.: “Истиқлол”, 2006 , - Б. 63

Дастурларда одатий, қолипга тушган сўзлар, бирикмалар томошабинни тез зериктирса, кўпол ва ижтимоий чегараланган вулгаризм ёки варваризмлардан фойдаланиш аудиторияда телевидиниёга бўлган хурматсизликни пайдо қилади. Мана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, тележурналист ўзининг ижодий тил услубини яратиши керак. Токи, унинг лавҳалари ёки кўрсатувлари эфир юзини кўрганда, томошабин биринчи гапданок ана шу журналистни таниб олсин. Бу борада, “Ёшлар” телерадиоканали орқали эфирга узатилаётган “Ош бўлсин” дастури муаллифи Гулҳида Жўраевани мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу дастур матнларида бадиий-публицистик санъатлардан моҳирона фойдаланилади. Очигини айтиш керакки, томошабин тасвирлардан кўра унинг сўзларига маҳлиё бўлиб қолади. Бироқ ташхис (шахслантириш, жонлантириш) санъатининг ҳаддан зиёд қўлланилиши баъзида аудиториянинг меъдасига тегишини ҳам инобатга олиш жоиз. Негаки, телевидение тили содда, тушунарли бўлиши, сўзлар асосан ўз маъносида қўлланилиши керак. Экранда кўчма маънода қўлланилаётган сўзни матбуотдаги каби кўштирноққа олишнинг имкони йўқ.

Бир-биридан ортда қолишни истамаган бошқа телеканаллар ижодкорлари ҳам турли мавзуларни ўртага ташлаб экранга чиқа бошладилар. “Тошкент” телеканалида туб ўзгаришлар содир бўлиб, фақатгина кечки пайтда эфирга узатиладиган дастурлар эндиликда кундузги эфирларни тўлдирмоқда. “Тошкент вақти” сингари дастурлар томошабинлар эътиборини жалб эта бошлади.

“Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Биз учун муҳим” дастури бошловчиси Барчиной Жўраевани ўз касбининг устаси деб айтиш мумкин. У танлаётган мавзу, олиб чиқиш усули, мавзуга ёндашуви, аудитория билан ишлаш маҳорати томошабинни бефарқ қолдирмайди. “Учбурчак” ток-шоуси бошловчилари Нозима Воҳидова ва Нилуфар Умрзоқованинг муаллифлик маҳорати, ҳиссиёти, томошабин, қаҳраман билан бирликда намоён бўлади.

“Радио ва телевидениеда имло хатолари кўзга ташланмайди, бироқ оммавий ахборот воситаларининг бу икки тури ўз орфоэпик – талаффуз саводини намоиш қилиш билан бирга, оммининг адабий талаффузига кучли таъсир қилишини ажратиб кўрсатиш керак”.¹⁶ Радиодан фарқли телевидение матнларини ўқишда айрим орфоэпик камчиликлар яққол сезилмайди. Аммо, мавзуга бўлган муносабат очик-ойдин кўриниши аниқ. Айниқса, синхронда (ёки интервьюда) матнни ёдлаб олиб айтиб бериш ёки суфлёрдан ўқиб беришда сохталикни пайқаш мумкин. Кўнгилочар дастурларда мавзуга алоқадор интервью олинганда муаллиф мутахассисни “гапиритира билиши” лозим. Дейлик, бирор шифокор томошабинларга тавсия бераётганда, ўз сўзларига ўзи ишонмай туриб, аудиторияни ишонтириши амри маҳол. Эcran сохталикни яққол кўрсатиб кўяр экан, демак, бошловчи ёки мухбирлар ҳам матнни ёдлаб олмай, оммага гапириб бериши, ҳикоя қилиши лозим.

¹⁶ Пардаев А, Рўзиёв Ф, Маҳмадалиев Х. Журналистикада тил ва ифода. Тошкент.: “Истиклол”, 2006, - Б.22.

2-БОБ. МУАЛЛИФЛИК КЎРСАТУВЛАРИДА МАВЗУ, ҒОЯ ВА ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

2.1. Телевизион чиқишлар учун мавзулар кўлами ва ғоя

Маълумки ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши бўламиз”¹⁷ .- дейди юртбошимиз “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида. Дарҳақиқат, у қандай йўналиш, тармоқ бўлмасин тарихий босқичларни босиб ўтган ҳолда, тараққиёт босқичларида одимлаб боради. Қайси бир жабҳага қарамайлик унда ўсиш, юксалиш бўлса, бунда маълум миқдорда ОАВларининг ҳам ўз ўрни, аҳамияти бор.

Телевидение ўтган асрнинг мўъжизаси ҳисобланади. Телевидение шу асрнинг ўзидаёқ, ҳаётимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маиший, маданий-маърифий ўзгаришларга сабабчи бўлди десак адашмаган бўламиз. Шундай экан, ўтган аср ва бугунги кунда телевидениенинг ҳам бирмунча афзалликлари кўзга яққол ташланиб қолди, айниқса рақамли телевидениенинг яратилиши соҳада улкан ўзгаришлар, бурилишлар ясади. Буни янгилик сифатида фанда алоҳида эътиборга олиб қўйишимиз шарт. Негаки рақамли ТВ пайдо бўлгандан кейин каналлар, кўрсатувлар ўртасида рақобат юзага келди. Ўз-ўзидан рақобат бор жойда ўсиш бор. Каналлар сони кўпайган сари рақобат ҳам кучаймоқда. Энди томошабинда танлаш имкони олдингидан кўпроқ. Шу сабаб, у энг яхши канал ва кўрсатувини кўради. Шу туфайли ҳам каналларда изланишлар, янги-янги ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўринда масъулият ҳисси нафақат канал балки унинг ижодий ходимлардан тортиб, техник ходимларгача катта масъулият юклайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир соҳа ва унинг тармоқлари жадал суръатларда ўсмоқда. Ҳар куни янгилик, ўзгаришлар юз бермоқда. Бу

¹⁷Каримов И. “Юксак маънавият- енгилмас куч”, Т.: “Маънавият”, 2011.

эса ўз навбатида янгиликларни тезкорлик, аниқлик билан узатишни талаб этмоқда. Бир кадрни ушлаб уни монтаж, сўнг қайта мантаж қилиб ўтирсак, у эскириши, омма учун янгилик бўлмаслиги мумкин. Янгиликни янгилигида янги қилиб бермоқлик шарт. Аммо, ҳар бир янгилик керакли бўлмаслиги мумкин. Шу ўринда янгиликларни керакли, кераксизга ажрата билишимиз ҳам зарур. Балки сизда эътироз пайдо бўлиши мумкин. Бироқ янгиликни ҳам керак ёки кераксизи мавжуд. “Бугунги оммавий ахборот воситалари бу воқеа-ҳодисаларнинг энг аҳамиятли, энг қизиқарлиларинигина танлаб чоп этиш, эфирга бериш, интернет тармоғи орқали тарқатишга ўтди. Яъни, хабарлар “муҳим” ёки “муҳим эмас”га ажради”¹⁸.

Ойнаи жаҳон бу ўринда бошқа ОАВларга қараганда устунлик қилмоқда. Чунки унда кераксиз ёки номуҳим кўрсатувлар деярли йўқ. Босма ахборот воситаларида бир янгиликни бир хил пресс-релиздан кўчириб тарқатиш мавжуд. Эфирда эса ҳар бир канал ўз янгилигини, кўрсатувини бошқача тарзда оммага етказди. Шу туфайли ҳам кенг аудитория айнан ранг-барангликни ўзида жамлаган телевидениега мурожаат қилади. Шунингдек, дам олдириш, ҳордиқ чиқариш функцияси қувонарли даражада йўлга қўйилган.

Телевидение соҳасида фаолият олиб бораётган ижодкор экранда ўзи нима демоқчилигини аниқ белгилаб олмаса, минг урингани билан томошабинга ҳеч нарса беролмайди. Шунинг учун ҳам журналист сценарий ёзаётганда телевидение спецификасини тўла инобатга олиши зарур. Тасвир ва матн уйғунлиги телевизион маҳсулотнинг ютуғини таъминлайди. Яъни, муаллиф сўзи ва режиссёрлик иши кўрсатув муваффақиятини таъминлашга хизмат қилади: “...тележурналистикада 40-50 секундлик, лекин инсон руҳиятига кучли таъсир кўрсатадиган қанчадан-қанча роликлар, бутун бошли телеасарлар яратилган. Узоққа бормай кўя қолайлик, машҳур ўзбек кино хужжатчиси, отахон оператор ва режиссёр Малик Қаюмовнинг Лейпцигда ўтган халқаро кинофестивалда “Олтин кабутар” мукофотига сазовор бўлган

¹⁸ Саидов Ҳ, Тўхлиева Н. “Репортёрлик маҳорати”, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Т.: -2008.

“Паранжи” фильмининг ҳажми 7 дақиқагина эди, холос. Гап ҳажмда ҳам, мавзуда ҳам эмас, гап фикрда, ғояда, фалсафада ва энг муҳими уларни экранда чиройли бадиий образлар орқали талқин қилишда, монтажда, янадаям аниқроғи режиссурада”¹⁹.

Сценарий муаллифи ва режиссёр муносабатлари ҳар қандай телевизион лойиҳанинг ютуғини таъминлайди. “Яхши журналистика” деб эса, тингловчиларни, томошабинларни бекфарқ қолдирмайдиган, уларга ҳар қандай ахборотни қизиқарли қилиб етказиб берадиган журналистикага айтилади, деб ёзган эди швед журналисти Э.Фихтелиус²⁰.

“МУ5” телеканалда ғоя ва мавзуси, режиссура ва имиджи билан ажралиб турадиган бир қанча кўрсатувлар эфирга узатилмоқда. Бу чиқишлар янгидан-янги чехралар, кўрсатувлар ғояси натижаси ўлароқ, томошабин эътиборини қозонмоқда. Телевидениедаги ижодий фаолиятда янгилик яратиш, яратганда ҳам унинг самарадорлигини таъминлаш, доимий аудиторияни топиш ғоят мушкул иш. Миллий аудиториянинг энг қадрли хусусияти саналган самимиятга йўғрилган “Парвоз завқи” кўрсатувининг биринчи сониданок, ижодий гуруҳнинг катта меҳнати намоён бўлган. “Парвоз завқи”

- миллий телеканалларда учрамайдиган формат бўйича тайёрлангани;
- иштирокчиларнинг самимияти;
- тасвирнинг бўёқдорлиги;
- фондаги миллий ва замонавий дизайннинг уйғунлиги;
- режиссёрнинг “деталь билан ишлагани”;
- тасвирчининг маҳорати туфайли “ҳаракатланувчи” ва “жонли” кадрларнинг “тилга кириши” ва яна бошқа бевосита ва билвосита сабаблар унинг муваффақиятини таъминлаб бера олган.

Лойиҳада Ўзбекистон халқ артистлари Рихси Иброҳимова, Тўти Юсупова, Коммуна Исмоилова, Азиза Бегматова, Марям Ихтиёрова сингари

¹⁹ Абдухолиқов И. Телевидение режиссураси, «Садо» газетаси 2007 йил 11 январь

²⁰ Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси, Шарқ НМАК, Т.: 2002.

эл ардоғидаги санъаткорларнинг иштирок этиши томошабинга самимий таассурот уйғотади. Энг муҳим жиҳат шундаки, кўрсатувда иштирокчилар экранда одатдагидан бошқача намоён бўладилар. Улар ўз кўрган-кечирганлари, чўққига эришишнинг машаққатлари, ижод йўлидаги тўсиқлар, муваффақият нашидаси, юлдузли онлар – бир сўз билан айтганда санъат йўлидаги чинакам завқ кўрсатувнинг бош ғояси ва мавзусига айланган. Чиқишда миллийлик ва замонавийлик чинакамига бир-бирини тўлдирган. Айниқса, дастур сўнгидаги фотосессия томошабин диққатини тортади. Иштирокчилар турли мода ва фасондаги либослар билан экранда намоён бўладилар. Бундай телевизион чиқишлар кенг аудиторияда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

“Телевидениенинг таъсир кучи – аудиториянинг иштироки билан белгиланади. Телевизион образнинг таъсир кучи, кино ёки драманинг таъсир кучи билан тенглашолмайди. Викторинада иштирок этаётган аудиториянинг таъсир кучи юқорилиги туфайли, ҳатто шоу режиссерларини қалбакиликда айблашди. Шоу ташкилотчилари ўзларининг қўлида бўлган қуролнинг кучи-кудратини ҳали яхши англаб етишгани йўқ эди...”²¹ – деб ёзади Г.М.Маклюэн. Бу йўналишдаги кўрсатувлар кейинги йилларда бирмунча оммалашди.

Аҳрор Қўшматов муаллифлигидаги “Ёшлар” телеканали маҳсули ҳисобланган “Имкон шоу” кўрсатуви тезда аудитория эътиборини тортди. Кўрсатувни муаллиф ва Анвар Салимов олиб боришади. Кўрсатув драматургиясига назар ташланса, кўрсатувда икки жамоа ўзаро баҳс олиб боради. Ҳар бир жамоада 4 тадан вакил бор. Кўрсатувнинг дастлабки сонларида асосан халқимиз севган санъаткорлар – театр, кино ва эстрада юлдузлари иштирок этган бўлса, кўрсатув аудиторияси кенгайгач, бошқа касб эгалари ҳам иштирок эта бошлади. Кўрсатувда учта шарт мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

²¹Маклюэн Г.М. Понимание медиа: внешние расширения человека / Пер.с англ. В.Николаева. – 2-е изд. – М.: Гиперборея, Кучково поле. 2007. – С. 278.

1. Тезкор савол-жавоблар шарти. Иштирокчилар 1 дақиқа мобайнида берилган саволлар тез ва аниқ жавоб беришлари жоиз;
2. Пантомима шарти. Унда ҳар бир иштирокчига 4 соҳага оид мавзулар берилади. Иштирокчи мавзулардан бирини танлаб, оғзини қимирлатмасдан, мимика билан уни кўрсатиб бериши шарт. Ўз жамоаси уни топишга ҳаракат қилади
3. Мураккаб савол шарти.
4. Мантиқий савол шарти.

Айтиш жоизки, ҳар бир савол учун жавоб берилар экан, уларнинг ҳар бирига алоҳида баллар ажратилган. Кўрсатувнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталадиган бўлсак,

- Кўрсатув томошабин қалбини ром этган иқтидорли санъаткорлар иштирокида бошлангани унинг аудиторияси кўпайишига сабаб бўлди;
- Кўрсатувда телевидениенинг рекреатив хусусиятлари ўз аксини топиб бораётир ва бу томошабини мароқли дам олишига, эҳтиёжларни қондиришга улуш қўшмоқда;
- Кўрсатув ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қиляпти;
- Кўрсатув интеллектуал ўйинлар орқали аудиторияни фикрлашга даъват этаётгани эътиборли ҳолат саналади.

“Имкон шоу” қисқа муддат ичида ўз томошабинини топди. Кўрсатувнинг янги йил сониди машҳур санъаткорлар – Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ва Замира Эгамбердиевалар иштирокида янги йил шоуси бўлиб ўтгани фикримизни тасдиқлайди²².

Мазкур телевизион лойиҳа МузТВ телеканалидаги “Крокодил” кўрсатувини эсга солсада, у тез орада ҳақиқий томошабинларини топди. Кўрсатув ёш-у қари учун бирдек қизиқарли. Кўрсатувнинг “Болажон”

²² “Ёшлар” телеканали, “Янги йил оқшоми”, 31.12.2013.

телеканалида “Билагон болажон” деган махсус лойиҳаси бор. Кўрсатувнинг 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан тайёрланган сонида кино, театр, эстрада юлдузлари ўз фарзандлари билан чиқиб, саволларга жавоб беришди²³. Бундан хулоса чиқаришимиз мумкинки кўрсатув аудиторияси ёш танламайди.

Шунинг учун ҳам “Имкон шоу”да турли хилдаги ёш эгалари ва соҳа вакиллари кузатишимиз мумкин. Кўрсатувнинг юқори даражада рейтингга эга бўлиши вამиллионлаб мухлислардан ташкил топган аудиторияни шакллантиришда ижодкорларнинг меҳнати катта. Хусусан, кўрсатув савия жихатидан “Крокодил” кўрсатуvidан анча баланд ва қизиқарли. “Имкон шоу”нинг энг устун жихатларидан бири бу – бошловчиларнинг маҳоратидир. Дарҳақиқат, Аҳрор Қўшматов ва Анвар Салимовлар кўрсатувни қувноқ ва қизиқарли бўлишида асосий устун ҳисобланишади. Айниқса Аҳрор Қўшматовнинг сўзлаш темпига эътибор бермасликнинг иложи йўқ. Айнан унинг нутқи кўрсатувга ўзгача руҳ бахш этади.

Кўрсатув фақат томошабинларга эмас балки, иштирокчилар учун ҳам бирдек қизиқарли ва ҳаяжонли кечади. Кўрсатувнинг рекреативлик даражасини аниқлаш мақсадида мазкур кўрсатувда иштироқ этдик ва гувоҳи бўлдикки, кўрсатув телеэкранга нисбатан студияда анча қизиқарли кечади. Жумладан, тезкоз саволларни Аҳрор Қўшматов шу даражада тезкорлик билан ўқийдики, баъзи саволларга тушунмай ҳам қоласиз. Пантомима кўрсатувнинг энг қизиқарли шартларидан бири бўлиб, баъзан Анвар Салимовнинг бошловчилиги эсидан чиқиб, иштирокчига айланиб кетади. Бу эса кўрсатувнинг янада қизиқарли бўлишига сабаб бўлади. “Имкон шоу” бугунги кунда томошабинбоплиги жихатидан кўрсатувлар рейтингида энг юқори ўринда турибди.

“Угадай мелодию” кўрсатувининг ўзбекча варианты. Ютуғи: таклиф қилинган хонандалар, санъаткорлар 3 шарт асосида ўзаро беллашади.

²³ Ёшлар” телеканали, “Имкон шоу”, 01.06.2014.

Қобилияти, топқирлиги ва чаққонлигига мухлислар баҳо беради. Жонли ижродаги куй-қўшиқлар мухлислар, томошабинларга илиқ таассурот қолдиради. Нишона чиқишидан ўз мухлисларини топиб улгурди. Камчилиги: “Имкон шоу” гўё “Наво” каналидан узатилаётгандай, чет элдан кўчирилган ғояни бир оз сайқаллаб, ўзлаштирганлиги. Бошловчи бу лойиҳада янгилик қилишга, имиджини ўзгартиришга уринмаган. Ўзининг бошқа қирраларини ҳам кўрсатиши мумкин, аслида. “ЭЛДИДО” эстрада гуруҳи иштирок этган сонид²⁴ гуруҳ аъзоларининг санъатга доир билимлари, мусикий ҳиссиётлари, жонли ижродаги маҳоратлари синовдан ўтказилди. Кейинги йилларда рекреатив чиқишлар кенг урфга кираётган бўлиб, “Куйла ёшлигим!”, “Хаёл манзили” каби лойиҳалар мазкур йўналишни қамраб олмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг таркибини ташкил қилувчи янги демократик институтлар вужудга келди. Улар жумласига давлат ва жамиятни бошқаришда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминловчи кўппартиявий тизим, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари кабиларни киритиш мумкин. Ҳар қандай жамиятда оммавий ахборот воситалари жамоатчиликка фақат жойларда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларнинг етказиш воситаси бўлибгина қолмай, ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўз муносабатини билдириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш каби бир қатор долзарб вазифаларни бажариб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Кейинги йилларда аудитория талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, кўнгилочар характердаги кўрсатувлар сони бирмунча ошган бўлса-да, аммо замон билан ҳамнафас қадам ташлаш асносида айрим муаммолар ҳам юзага келди. Ижтимоий-сиёсий жараёнларни ёритиш, уларга имкон доирасида айрим фикр-мулоҳазаларни билдириш аввало инфорацион дастурлар ижодкорлари

²⁴ “Наво” телеканали, 21.05.2015.

зиммасига катта масъулият юклайди. Ижтимоий-сиёсий жараёнларни ёритишда таҳлилий кўрсатувлар муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур йўналишдаги муаллифлик кўрсатувлари таҳлили навбатдаги фаслда тақдим этилади.

2.2. Таҳлилий чиқишларда муаллиф маҳорати масалалари

Телевидение ходимлари таҳлилий кўрсатувларни тайёрлашда жуда кўп хусусиятларни ўзида мужассам этиши лозим. Одам савдосига бағишланган махсус кўрсатувлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиокана лининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририятининг ижодий гуруҳи томонидан тайёрланиб келинмоқда. Бунда журналистлар Мадамин Сафаров, Икром Чориев сингари иқтидорли ижодкорларнинг катта меҳнати ётибди.

Мазкур гуруҳ раҳбари Мадамин Сафаров одам савдосига қарши курашиш ва ноқонуний меҳнат миграциясини олдини олиш масалаларига бағишланган “Адашганлар қисмати” туркумидаги кўрсатувлари учун “Олтин қалам” халқаро танловида Бош мукофотни қўлга киритди. Бу кўрсатувлар фақат телекранда эмас, жойларда ҳам намойиш этилиб, муҳокама қилинмоқда.

“Ёшлар” телеканалида ижодкорлари томонидан тайёрланган йўлларнинг умумий аҳволи ҳақидаги кўрсатув ҳам томошабин эътиборини тортадаган таҳлилий чиқиш саналади. Муаллиф Г.Жўраева пойтахтимиз кўчаларидаги ҳолатни таҳлилий мисоллар билан томошабин эътиборига ҳавола этган. Кўрсатувда замонавий русумдаги автобуслар аҳволи учун кенг хизмат қилаётгани эътироф этилиб, аммо йўлларнинг ўнқир-чўнқир уловларининг техник ҳолатининг ёмонлашувига сабаб бўлаётгани қайд этилди. Шунингдек, ёқилғи учун тўланаётган йўл солиғи қаерга кетаётгани рақамлар орқали кўрсатиб берилди. Бир сўз билан айтганда, телевизион

журналистиканинг таҳлилий жанрлари томошабинни экран қаршисига қайтаришга хизмат қилади. Таҳлилий чиқишларда муаммоли масаларига қанча кўп эътибор қаратилса, унинг томошабинни ҳам шунча кўп бўлади”²⁵.

“Ўзимизнинг йўллар” кўрсатувида муаллиф Г.Жўраева пойтахтимиз кўчаларидаги ҳолатни таҳлилий мисоллар билан томошабин эътиборига ҳавола этган:

- кўрсатувда замонавий русумдаги автобуслар аҳоли учун кенг хизмат қилаётгани эътироф этилиб, аммо йўлларнинг ўнқир-чўнқирлари уловларнинг техник ҳолатининг ёмонлашувига сабаб бўлаётгани қайд этилди;
- ёқилғи учун тўланаётган йўл солиғи қаерга кетаётганлиги далил, яъни рақамлар орқали кўрсатиб берилди. Мисол учун, муаллиф Гулҳида Жўраева “пойтахт йўлларида ўртача 5000 та автомобил юрса, ҳар бир автомобилдан олинadиган йўл солиғи уларни тузатишга бемалол етиши”ни таъкидлади;
- йўллардаги камчиликларни маҳалла аҳли, шахсий автомобиллар эгалари, жамоат транспорти ҳайдовчиларининг фикр-мулоҳазалари ҳам кескин баён қилинган. Эътиборли томони, муаллиф ўзининг шахсий автомобилида ўша йўллардан юриб, ҳолатни кўрсатиб берди. Хулоса қилиб айтганда, телевизион журналистиканинг таҳлилий жанрлари томошабинни экран қаршисига қайтаришга хизмат қилади. Таҳлилий чиқишларда муаммоли масалаларга қанча кўп эътибор қаратилса, унинг томошабини ҳам шунча кўп бўлади.

Бир сўз билан айтганда, муаллифлик кўрсатувлари жамият ривожининг асоси дейиш мумкин. Сабаби, унда кўтариб чиқиладиган типик муаммолар халққа азоб бераётган, унинг турмуш тарзига зиён етказаётган омиллардан бири ҳисобланади. ОАВ эса мазкур ҳолатни ўрганиб, мутахассис билан биргаликда унга ечим излайди, айтилиши ва давлат ўртасида кўприк

²⁵ “Ёшлар” телерадиоканали, 29.05.2014.

вазифасини ҳам бажаради. Шу сабабдан таҳлилий кўрсатувларнинг сонини кўпайтириш билан бир қаторда сифатини ҳам яхшилаш лозим. “Тошкент” телеканалидаги “Очиқ мулоқот” кўрсатуви ҳафтанинг ҳар сешанба ва пайшанба кунлари туманлар ҳокимлари ва уларнинг тегишли хизматлари раҳбарлари иштирокида тўғридан-тўғри эфирга чиқади. 2010 йилнинг 6 сентябрь куни “Очиқ мулоқот” кўрсатувининг илк сони эфирга узатилди. Унда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳар ҳокими Ф. Хайруллаев ва Олмалиқ шаҳар ҳокими Р. Ғуломов ҳамда шаҳар ҳокимликларининг мутасадди ходимлари иштирок этишди. Унда Республика иқтисодиёти тармоқларини 2010-2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг кенгайтирилган селектор йиғилишида (2010 йил 17 август) жойларда аниқланган камчиликлар ва танқидий кўрсатиб ўтилган муаммолар юзасидан фикр алмашилган.

“Очиқ мулоқот” кўрсатувининг 2010 йил давомида эфирга узатилган сонлари таҳлили шундан далолат берадики, туман ва шаҳар ҳокимлари аксарият аниқ саволларга умумий гаплар билан жавоб қайтариб, коммунал соҳада юзага келаётган кўпгина муаммоларнинг асл сабабчиси сифатида фуқароларни айблаган. Фуқаролар билан маълумот алмашиниш учун имкониятлар етарли бўлмаган.

Ушбу вазиятни холис ўрганиш, бу борада зарур маълумотлар билан танишиб чиқиш учун кўрсатув ходимларидан кўп вақт талаб этилган. Кўрсатув эфирдан бир кун олдин 130-150 дақиқа давомида ёзиб олинган ва монтаж қилинган ҳамда 40 дақиқа эфирга узатилган. Ташкил этилган кўрсатувда аҳолини фаол иштирок этишга чақирувчи анонслар ҳафта давомида мунтазам эфирга узатилсада, кутилган натижага эришиш қийин кечган. Кўрсатувнинг илк сони учун Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳарлари аҳолисидан 14 тагина савол келиб тушган бўлиб, савол йўллаган аксарият аҳоли ўз исм ва фамилияларини ошкор қилинмаслигини сўраган. Шундай бўлса-да, танқидий ва таҳлилий мулоҳазаларга бой бўлган биринчи эфирдан

кейин кўрсатувга мурожаатлар сони сезиларли даражада ошиб, томошабинлар аудиторияси кенгайган.

Кўрсатувнинг 3-4 сонларидан бошлаб, бошловчи ва иштирокчилар ўртасидаги савол-жавобларнинг умумийликдан хусусийликка қараб ривожланишини кузатишимиз мумкин. Дастур бошловчиси туман ҳокимларининг муаммолар юзасидан, аввало, мансабдор шахс, туман фуқароси, юртдошларимизнинг бир вакили сифатида изоҳ талаб қилар, туман ҳокимлари эса имкон қадар саволларга давлат хизматчиси ва фаол фуқаро сифатида жавоб қайтаришга ҳаракат қила бошлаган.

2010 йилда тайёрланган кўрсатувлар таҳлили шундан далолат берадики, “Очиқ мулоқот” кўрсатуви ташкил этилган йилда 4 та муҳим ютуққа эришди:

- аҳолининг кўрсатувга ишончи ошди ва мурожаатлар сони орта бошлади;
- маҳаллий ҳокимият органларининг кўрсатувга қизиқиши кучайди ва улар турли масалалар юзасидан аҳолига мурожаат қила бошлади;
- аҳолига коммунал хизмат кўрсатувчилар фаолиятига жамоатчилик эътибори қаратилди;
- кўрсатув ижодкорлари журналистика жанрларидан унумли фойдалана бошлади.

2011-2013 йиллар давомида эфирга узатилган “Очиқ мулоқот”нинг 200га яқин сонларида давлат органларининг жамият олдидаги масъуллигини ошириш, улар фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида туман, шаҳар ҳокимларининг қабул кунлари ва вақтлари, аҳоли билан ўтказиладиган учрашувларнинг муддати, масъул мансабдор шахсларнинг хизмат телефонлари юзасидан маълумотлар берилди. Соҳага жавобгар шахслар томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар кескин танқид остига олинди.

Маълумки, глобаллашув жараёни журналистиканинг таркибий жанрларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Ҳозирда дунё оммавий ахборот

воситаларида жанрлар алмашинуви кузатилмоқда. Жаҳон журналистикасида жанр ичидаги жанрларга дуч келиш ҳолатлари учраяпти. Бу ҳол “Очиқ мулоқот” кўрсатувида ҳам учрайди ва муаммоларни чуқур таҳлил этиш, улар юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга хизмат қилади. “Очиқ мулоқот” кўрсатувида ҳам журналистиканинг суҳбат, интервью, шарҳ, репортаж жанрларидан моҳирона фойдаланилмоқда. Жанр хусусиятларидан унумли фойдаланиш кўп ҳолатларда мавзунини етарли даражада очиқ беришга ва томошабинга етказилаётган воқеа ёки хабарнинг таъсир кучини ошишига хизмат қилади. Жанр хусусиятидан унумли фойдаланиш кўрсатув бошловчиси ва мухбирлар фаолиятида яққол кўзга ташланади.

2012 йилнинг 5 сентябрь куни Янгийўл тумани ҳокимлиги билан ўтказилган мулоқот лавҳасида мухбир Ф. Миробидов Янгийўл туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалласидаги кўп қаватли уйларнинг мавсум тайёргарлиги хусусида шарҳ тайёрлаётган вақтда бир фуқаронинг марказий кўчадаги йўл четига машинасида олиб келган чиқиндиларни ташлаётганини кўриб қолади ва шу жойнинг ўзида репортаж тайёрлайди. Тасвирчи, қонунбузар фуқаронинг ҳатти-ҳаракатлари ва машинасининг давлат рақамини тасвирга муҳрлашга улгуради. Лавҳа эфирга узатилганидан сўнг, кўрсатувда иштирок этаётган туман ҳокими ИИБ ходимлари билан биргаликда бу фуқарони топиб, унга тегишли чора кўришга ваъда берди ва ижодкорларнинг зийракликлари учун раҳмат айтди.

Ёки шу йилда тайёрланган мулоқотларнинг бирида мухбир маҳалла раисидан интервью олаётиб, оқсоқолнинг ортида кимдир буталанган шох-шаббаларни ёқиб юбораётганлигини кўради ва шу заҳоти, тасвирчи билан тутун чиқаётган жойга етиб боради. Мухбирнинг бу ҳолат акс этган шарҳ, интервью, репортаж жанрларини жамлаган махсус лавҳаси томошабинларда катта таассурот қолдиради.

“Очиқ мулоқот” кўрсатувларида 2011 йил март-сентябрь ойларида Ўртачирчиқ туманидаги автомобил йўлларини таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти, коммунал соҳадаги, Пискент туманидаги касб-ҳунар

коллежларида спорт анжомлари етишмаслиги билан боғлиқ, Пискент шахрида намунавий лойиҳа асосида курилаётган уй-жойларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилмаётгани, уйларнинг сифатсиз курилаётгани, ободонлаштириш ишларининг тўлиқ бажарилмаётгани билан боғлиқ муаммолар Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят туман ҳокимлари иштирокида ташкил этиладиган мулоқотда танқидий-таҳлилий ўрганилади.

“Очиқ мулоқот”га келиб тушаётган ҳар бир савол ижодкорлар томонидан тизимли ўрганиб борилиши ва йиллар давомида саволда келтирилган муаммоларнинг бартараф этилиши билан қизиқишлар ўзининг ижобий самарасини берди, деб айта оламиз.

Кўрсатув ташкил этилган дастлабки йилда уни асосан 40 ёшдан юқори бўлган аҳоли томоша қилган бўлса, ҳозирда 15 ёшдаги ўқувчиларнинг ҳам дастурга қизиқишлари ортмоқда. Мулоқотларда аҳолининг фаолиги ортиб бораётганлигини 2010 йилга нисбатан фуқаро мурожаатларининг 10-12 баробарга кўпайганлигида кўришимиз мумкин. Буни яна бир омил – мулоқотда муҳокама этиладиган мавзулар кенгайиб бораётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. “Тошкент” телерадиоканалида ташкил этилган “Очиқ мулоқот” кўрсатуви МТРК тизимидаги вилоят телерадиоканалларига ҳам оммалаштирилган.

Англиялик журналист Девид Рэндалл ибораси билан айтганда, “Очиқ мулоқот” кўрсатуви зарур ахборотни қидириб, уни омма ҳукмига ҳавола этиш орқали миш-мишларга чек қўйиш, ҳеч ким эшитмаётган одамлар овозини ўз овози орқали оммага эшиттириш ва шу йўл билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга ҳисса қўшиш йўлидан бормоқда²⁶.

Йиллар давомида “Очиқ мулоқот”нинг 350 дан ортиқдан сони эфирга узатилди. Бош мавзулар, Тошкент шаҳри ва вилоятидаги хусусий уй-жой мулклари ширкатлари, ободонлаштириш ва коммунал хўжалиқда учраётган

²⁶ Рэндалл Д. Универсальный журналист, “Алматы”, 1996.-С.7.

муаммолар асосан: 1) масъул мансабдор шахслар; 2) назорат органларининг масъулиятсизлиги; 3) аҳолининг ўз мажбуриятларини тўла бажармаслиги оқибатида юзага келаётганлигидан далолат беради. Жойлардаги барча муаммолар “Очиқ мулоқот” кўрсатувларида танқидий ва таҳлилий ўрганилиб, муаммоларга жамоатчилик эътибори қаратилиши натижасида ижобийликка эришиб келинмоқда, деб айта олишимиз мумкин. Мисол учун, 2012 йилнинг 4 декабридан 2013 йилнинг 17 январигача ҳафтада икки мартаба 40 дақиқадан жонли эфирга чиққан кўрсатувларда Тошкент шаҳри аҳолисидан 11 та йўналишга тегишли 855 та савол келиб тушган, кўрилган тезкор чоралар натижасида 2013 йилнинг 24 февраль ҳолатига кўра 740 та мурожаат назоратга олинган.

Ўтган йиллар давомида эфирга узатилган “Очиқ мулоқот” кўрсатуви олдиндан ёзиб олинди, монтаж қилинган эфирга узатилган. Бу эса айрим қийинчиликлар ва саволларни келтириб чиқарган. Ўша вақтда “Тошкент” телерадиоканалининг эфирлари аналог тизимда бўлгани боис, асосан, кўрсатувни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, қисман Сирдарё, Жиззах вилоятлари аҳолиси томоша қилиши мумкин эди. Бироқ, Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудлари – Ангрен, Олмалиқ туманлари аҳолисининг 3/2 қисми телерадиоканал кўрсатувларини томоша қила олмаган. Боз устига, “Очиқ мулоқот”да қатнашадиган туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан мулоқот вақтида ёппасига электр энергиясини ўчириб қўйиш ҳолатлари ҳам учраган. Яқин йиллардан бошлаб, “Тошкент” телерадиоканалининг рақамли тизимда ишлай бошлаши кўрсатувга бўладиган мурожаатлар сонининг ҳам ошишига олиб келди. Охириги 3-4 йил ичида “Тошкент” телерадиоканали дастурларини рақамли форматда Ўзбекистоннинг 70% ҳудудларида кўриш мумкин бўлди²⁷.

2012 йилдан бошлаб кўрсатувнинг жонли эфирга чиқиши ижодкорлар билан томошабинни тўсиб турган бир қанча омилларнинг бартараф этилишини таъминлади. 2013 йилдан бошлаб, Республикамизда интернетдан

²⁷ www.mtrk.uz

фойдаланувчилар сонининг кескин ошиши ҳисобга олиниб, “Тошкент” телеканалдаги жонли эфир дастурлари mtrk.uz сайтининг он-лайн режимида эфирга узатила бошлади²⁸. Бу ҳам “Очиқ мулоқот” кўрсатуви аудиториясининг янада кенгайишига замин яратди.

“Очиқ мулоқот” кўрсатувининг 2014-2015 йиллар давомида эфирга узатилган лавҳаларини оладиган бўлсак, унда ҳам кенг омма, жамоатчилик мурожаатлари 75% ўз ечимини топган деб айта оламиз. Бошқа муаммолар устида изланишлар эса келаётган йилнинг режасига киритилган. Юртимизда киш мавсуми бошланганидан бери аҳолининг барча саволларига нисбатан тегишли муносабат шакллантирилишининг муҳимлигини инобатга олиб ушбу кўрсатувлар фақат жонли тарзда эфирга узатилиб келинмоқда. Уларда туман ҳокими ва бошқа мутасадди раҳбарлар шахсан иштирок этадилар. Кўрсатув давомида берилган ва аҳолидан келиб тушган барча саволлар Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари котибияти томонидан мониторинг қилиб борилиб, уларнинг бирортаси ҳам жавобсиз қолдирилмаган. Кўрсатувда жавоб беришга улгурилмаган саволларга ҳокимлик веб-сайти орқали тўлақонли жавоблар бериб борилган ва уларнинг ижроси назорат қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бўлиб ўтаётган очиқ мулоқот кўрсатувларда фуқаролар ўзларини қийнаётган барча саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўлиб келмоқдалар, деб айтишимиз мумкин.

Ҳозирги кунда айнан мана шу кўрсатувга бошловчилик қилиб келаётган Дилшод Бўриевнинг “Очиқ мулоқот” кўрсатуви ҳақиқатан ҳам бошқа телеканаллардаги кўрсатувларга нисбатан мавзунинг долзарблиги, кўрсатувнинг услуби, тайёрланиш жиҳати билан катта аҳамиятга эга бўлиб ажралиб туради. Кўрсатувда жуда кўп эффектлардан фойдаланилади. Биринчидан, иштирокчилар масаласи. Кўрсатув тайёрланаётганда маълум бир туман ҳокимлиги ёки мутасадди ташкилот ходимлари, раҳбарият билан биргаликда олиб борилади. Фақатгина оддий суҳбат билан чегараланмайди.

²⁸ www.kun.uz

Кўрсатувда лавҳалар асосидаги исботлар, мисоллар, кўриниш, тушунтиришлар бериб борилади. Бу эса албатта журналистнинг ўзига хос ёндашуви ва жонли эфирнинг ҳақиқатан ҳам жонли эканлигини исботлаб кўрсатиб берадиган жиҳати саналади десак бўлади. Бундан ташқари кўнғироқлар, интернет асосидаги саволларнинг берилиши ҳам кўрсатувни янада қизиқарли бўлишига сабаб бўлади.

Кўрсатув муаллифи Дилшод Бўриев эса бу кўрсатувда глобал мавзуларни кўтариб чиққан ҳолда жонли эфирда бераётганининг ўзи унинг катта меҳнат қилаётганидан далолат бериб туради. Доимий равишда дастурларда муаммоли масалалар юзасидан муҳокама олиб борилади. Унинг ечими, натижалари тўғрисида ҳам гапирилиши керак. Кўрсатув ўз фаолиятини бошлаганидан буён кўпгина муаммоларнинг ечими топилиб, ҳал қилинди. Бу ўринда муаллифнинг маҳоратини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Телевидениенинг устун жиҳатларидан бири, унда самарадорлик, таъсирчанлик юқори. Мисол учун, “Тошкент” канали орқали намойиш этилаётган “Сайёр камера” кўрсатуви эфирга узатилгандан бошлаб турмуш шароитимизда сезиларли даражада ўсиш бўлди. Мисол қилиб оладиган бўлсак, ҳаракатланиш учун мўлжалланган йўллар хусусида барча ОАВ материал тайёрлади. Йўлларнинг ёмонлиги, ҳаракатланиш чоғида учрайдиган тўсиқлар ҳақида деярли барча босма ОАВ ларида мақола берилди. Радио ҳам худди шу мавзуда кўплаб эшиттиришларни берди. Аммо бу масала сезиларли даражада амалга ошмади. Телевидениеда “Сайёр камера” эфир юзини кўргач, пойтахтимиздаги йўлларда реконструкция ишлари олиб борилди. Кейинги сонларда ҳам бу кўрсатув талабаларнинг ўқишга кеч қолиши, тез ёрдамнинг кечикиб келиши ёки шифохоналарда кераклича ёрдам кўрсатилмаслиги, дориларни пулга тарқатиш, коррупция масалаларини кўтариб чиқди. Ваҳоланки, бу мавзуларда бошқа ОАВ ҳам ўз материалларини берган эди. Самара эса айнан телевидениенинг темир тиши орқали амалга ошди. Матбуот орқали ҳам самара бергандир, аммо акс-садони телевидениеда берди. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Лекин, бу билан

ТВ ўз мавқеига эга, унинг ўзиши шарт эмас деган фикрдан йироқмиз. Чунки, ҳар қандай мукамал нарса ҳам сайқалланмаса, ривожланишдан тўхтаса, унда қотиб қолиш юзага келди. Шу ўринда Ўзбекистонда телевидение кундан-кун, сония сайин ўсиб бормоқда десак адашмаган бўламиз. Ўз устида ишлаб, ривожланиш босқичини бошидан ўтказмоқда. Буни рақамли телевидениенинг ортиб бориши, кўрсатувлар савиясининг ўсиши билан баҳолаш мумкин.

2.3. Муаллифлик кўрсатувлари тили ва услуби

Бугунги давр учун энг аҳамиятли жиҳат— бой ахборот манбаига эга бўлиш, аниқ факт ва рақамларга таяниш, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан доимий равишда хабардор бўлиб боришдир. Бу борада оммавий ахборот воситалари фуқароларга ўзига керакли ахборотлардан воқиф бўлиши учун энг муҳим соҳа ҳисобланади. Ахборот қанчалик ривож топса, жамиятнинг етуклик даражаси ва журналистларнинг касбий малакаси ҳам шу қадар ортиб боради. Инсонлар ахборотдан матбуот нашрлари, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар ҳамда интернет сайтлари орқали ҳам хабардор бўлиб боришади. Булардан энг қулайи ва эсда қоларлиси кўриб қабул қилинган ахборотдир. Бевосита сўзимизни тележурналистика йўналиши билан боғлайдиган бўлсак, Ушбу соҳа вакиллари ўз услубини танлашда чегарланмаган. Шу боисдан ҳам маҳоратли тележурналистлар ўзига қизиқ бўлган ва оммани ҳам бирдек қизиқтира оладиган кўрсатувлар ва кўрсатув ичида лавҳалар бериб боради.

Юртбошимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Маънавият— инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон—этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч...”²⁹ деб таъриф берган. Бугун ЎзМТРК тизимидаги телерадиоканалларнинг барча муҳарририят ижодкорлари томонидан тайёрланаётган ҳар бир кўрсатувда бу ўз ифодасини

²⁹ Каримов И.А Юксак маънавият — енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008, - Б.19.

топган. Зеро, ёш авлодни ҳар томонлама етук, комил инсон бўлиб улғайишларида телевидение, айниқса унда тайёрланиб эфирга узатилаётган кўрсатувларнинг ўрни нақадар муҳим эканлигини англаш қийин эмас. Биргина муаллифлик кўрсатувлари бунга яққол мисол. Бу йўналишдаги кўрсатувлар жамиятдаги долзарб мавзуларни ўзгача талқин этиши билан ҳам бевосита ажралиб туради ва шу билан бирга оммани ўзи қизиққан ахборотни олишига кўмак беради. Сўзимизнинг исботини “Медиапсихология. Асосий тамойиллар” китоби муаллифи Петер Винтерхофф-Шпурк фикрларидан билиб олиш мумкин. – “Ҳозирда анъанавий дам олиш дастурлари ўсиб, кўрсатувларнинг янги шакллари пайдо бўлиб бормоқда ва уларнинг аксарияти ўзида кўнгилочарлик хусусиятини ифода этмоқда. Ҳаттоки, дам олишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган турли йўналишдаги дастурлар ҳам ўз жанр хусусиятини бирмунча ўзгартириб, кўнгилочар дастур сифатида фаолият олиб бораёпти”³⁰. Муаллифлик “яратувчи” деганидир. Бу журналистиканинг энг муҳим соҳаларидан биридир. Ўзининг материалларини тайёрлаш, режиссура, асарни номерга яъни дастурга тахт қилиш, асарлар тўпламини тузиш, ёзиб олиш, ва ҳоказолар. Муаллифлик фаолияти универсаллик, яъни кенг қамровлиликни тақозо этади. Бунда профессионалик ва ахлоқий стандартлар ҳамда қонунчилик меъёрларига риоя қилиш, журналист фаолиятининг асосини ташкил қилади ва шакллантириладиган образга бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, журналистларнинг ўз касбий ҳуқуқ ва бурчларидан хабардорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Муаллифлик кўрсатувларида муҳим бир эзгу ғоя ёритилиб берилиши ҳамда унга ижодий ёндашилиш кўзда тутилади. Унинг йўналиши ҳам кўрсатувнинг нимани тарғиб этганига қараб танланади. Эътибор қилган бўлсангиз ҳар бир телеканалнинг кўрсатуви бир-биридан фарқ қилади. Сабаби телеканал ўз номидан келиб чиққан ҳолда кўрсатув тайёрлайди.

³⁰Винтерхофф-Шпурк П. Медиапсихология. Основные принципы. Пер.с нем. Харьков: Изд-во Гуманитарный центр, 2007.-С.288.

Айнан муаллифлик кўрсатувлари ҳам бир-бирини такрорламайдиган қиёфада экранга олиб чиқилади. Мисол учун, “Ош бўлсин!”, “Ёқимли иштаҳа” каби кўрсатувлар ғоявий жиҳатдан маълум бир мақсадга йўналган бўлсада, аммо, уларнинг бир-бирига монанд бўлган қирралари йўқ. Кино йўналишидаги дастурлар: “Киномания”, “Кўрганларимиз ҳақида”, “Кинотеатр” кўрсатувлари ҳам шулар жумласидандир.

Бошқа кўрсатувлар қатори бу турдаги лойиҳаларда ҳам муаллиф сўз топиш маҳоратига эга бўлиб, видеокамера ва микрофон ёнида ўзини йўқотиб қўймасликка ҳаракат қилади. — “Телекўрсатувлар оммага илғор ғоя ва илмий билимларнигина эмас, балки тилнинг юксак маданиятини ҳам олиб кириши керак. Бунда мавзунинг долзарблиги, ёрқин тасвирлар қаторига эгаллигини эмас, балки ундаги нутқнинг адабийлиги, талаффузнинг тўғрилиги ва бир хиллигига ҳам жиддий талаблар белгиланган. Фикримизча, “эфирда тўғри ва чиройли нутқ янграши лозим, бу нутқ янграётган нутқнинг эталони бўлиши зарур”³¹.

Муаллиф ўз кўрсатувларида телетомошабинларга зерикарли бўлиб қолмасдан, бир хил оҳангда гапиришдан қочиб, ўз маҳоратини кўрсатишга уринади. Уларнинг ҳар бир чиқиши учун табиийки матн яратилади. Сўз билан ишлаётганда бир неча қоидаларга амал қилиш кўзда тутилади. Яъни, айтилаётган фикрга сўзловчининг қатъий ишонч ҳосил қилиши, баён қилинаётган фикр кимга қарашли эканлиги, фикрнинг манбаини кўрсатиб, унинг ифодаланиш усулига бўлган муносабатини билдиради. Муаллиф тайёрлаётган дастурига иложи борича сценарий матнини табиий ва жонли тарзда ёзгани маъқул. Сабаби, пухта тузилган сценарий кадр ортидаги матн билан телеэкрандаги тасвирга мос келади. Айниқса, матнни сўзма-сўз ўқиб бермасдан, жонли ҳикоя қилиб бериши ва эфирда гапираётганда томошабин учун қизиқ бўлган сўзлардан фойдаланади.

Одатда, телеэкран қаршисида ўтирган томошабинга мураккаб сўзлардан ташкил топган жумлалар тушунарсиз бўлиб қолади. “Мақсадга сўз

³¹ Тешабоева Д. Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти. Т.: “Фан ва технология”. 2011.- Б.84.

билан етишни орзу қилдингми, шундай айтки, сўзингни ҳаводай симирсинлар, гул ҳидлагандай вужудлари яйрасин... Қувончли сўзни қувнаб айт!.. Хафа сўзни ҳасрат билан айт!” – дейди моҳир сўз усталаридан бири Турсуной Содиқова³².

Шунинг учун ҳам муаллиф ўз кўрсатувларида иложи борича тушунарли сўзларни ишлатиб, аксинча, изоҳ талаб қиладиган сўзлардан фойдаланмайди. Уларда сўз билан яъни, матн билан ишлашнинг қулай усули мавжуд. Бу ёзилган матнни олдиндан бир неча бор овоз чиқариб ўқиб олиб, сўзларнинг семантикаси ва сюжет маъноларини ўрганиб олишидир. Бу кўрсатув суратга олиниш жараёнида бошловчига сўзларни чиройли ва батафсил баён қилишига анча ёрдам беради.

Телекўрсатув бошловчилари дастур мавзусига тўғри келадиган матнларни йиғади ва сўзларни алоҳида бир қолипга солиб, ушбу мавзу доирасидан четга чиқмаган ҳолда сценарий тузади. Сўнгра тузилган сценарий матнини ўқишда сўз танлаш ва фикр билдиришларнинг тўғрилигини текширади. Чунки, ноаниқ ёзув ва тушунчалар маънони англашни қийинлаштиради. Шу боисдан ҳам улар жумлаларда сўз тартиби тўғри бўлишини таъминлаб, мураккаб эргаш гапли қўшма гапларни ишлатмасдан, иложи борича аниқ ва ўқишга осон бўладиган сўзлардан фойдаланади. —“Кўрсатув учун сценарий ёзаётганимизда ҳар гал ортиқча сўзларни ўчирамиз, қайта ўқиб, яна ўчирамиз. Яна ва яна... Охири сўзларнинг энг қаймоғини қолдирамиз”.³³ деган эди, Швециянинг энг машҳур ва тажрибали мухбирларидан бири бўлган Эрик Фихтелиус ўзининг “Тележурналистиканинг 10 қондаси” китобида. Бундан ташқари улар ҳар тарафлама бурро, аниқ, таъсирли ва қизиқарли, ҳаяжонли гапиришга мойил бўлибгина қолмасдан, синоним сўзлардан ҳам кенг фойдаланади. Бу эса эфирга узатиладиган кўрсатувнинг янада жонли чиқишини таъминлаб, ижодкорнинг журналистик маҳоратини яна бир карра намоён қилади.

³² СодиқоваТ. Яхшиликка етаклаш ибодатдир./7x7 ижтимоий – оммабоп газетаси. 18.09.2008.

³³ Фихтелиус Э. Журналистнинг 10 қондаси, Т.: “Шарқ”, 2002.- Б.119.

Таъкидлаб ўтганларимизнинг барчаси телевидениеда ўз фаолиятини олиб бораётган телебошловчиларнинг иш жараёнида муҳим саналган жиҳатларидандир. Аниқроғи, мамлакат тилининг юксалишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Телевидение тили бутун мамлакат фуқаролари тилининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Унда янграган янги сўз ва иборалар тез кунда оммага тарқалиб, кўпчилик ўртасида мулоқотда кенг фойдаланила бошлайди. Бу эса тележурналистлар тилига алоҳида маъсулият юклайди. Шунинг билан бирга, ҳар бир сўздан унумли фойдаланиб, тил маданиятини асрашга, жонли ва адабий тилда сўзлашга ундайди. Оммавий ахборот воситаларида шу жумладан тележурналистикада тил меъёрларига, яъни сўзлардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳадаги ислоҳотларни ривожлантириш борасида ташкил этилган концепциялар муҳим рол ўйнайди. Унда учинчи устувор йўналиш сифатида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган йирик ўзгаришларни қамраб олувчи ташаббусларнинг илгари сурилганлиги ушбу соҳани келгусида ислоҳ қилинишини аниқлатади. Журналист ўз ижод намунасини яратар экан уни аудиторияга қачон ва қандай шаклда етказиш устида бош қотиради. Сабаби, бугун ОАВ бемалол рақобатга кириша оладиган жараёнда оммага тақдим этиладиган асар ўз ўқувчиси, тингловчиси ва томошабинини топа олиши муҳим. Бунда журналист ҳам назарий, ҳам амалий билимлар, шу жумладан, жанрлар ҳақида пухта маълумотга эга бўлса, яхши публицистик асарни оммага тақдим этиши осонлашади. Бу тележурналистларга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Жанрлар ҳақиқий ҳаётни, мавжуд воқеликни журналистик маҳорат нуқтаи назаридан ифода қилиш усули ҳисобланади. Бу борада санъат ва санъатшунослик олий ўқув юртлири талабалари учун мўлжалланган “Телевидение асослари” дарслигида келтирилишича, назарий жиҳатдан телевидение ва радиода кўрсатувлар таркибини уч гуруҳга: воқеани қисқа ва лўнда томошабинга етказиш вазифасини бажарувчи, изчиллик, холислик ва

ошкоралик принципига қатъиян амал қиладиган ахборот, драматургия конунларига бўйсунган, тайёрланиш жараёнида режиссёр томонидан мавзу бир мақсадга йўналтирилган, режа асосида амалга ошириладиган публицистик ва муаллиф тасаввурида ўйлаб топилган, режиссиёр томонидан сахналаштирилган мавзулар ва лойиҳалар ҳисобланмиш бадиий жанрга бўлиб ўрганиш белгиланган.³⁴ Китоб муаллифлари телевидениега санъат йўналиши нуктаи назаридан ёндашиб тележурналистика жанрларини шу йўсинда тартиблаганлар. Лекин, журналистиканинг назарий билимлар бу бўлиниш бироз бошқачароқ. Журналистикада жанрлар уч гуруҳга бўлиб ўрганилади. Бу жанрлар, табиийки, телевидениега, яъни тележурналистикага ҳам хос. Юқоридаги муаллифлар томонидан туркумланган жанрларда бадиий жанрлар, публицистик жанрлардан алоҳида ажратилган. Журналистикада эса бадиий-публицистик жанрлар битта жанрлар туркумига мансуб.

Назарий жиҳатдан телевидениеда эфирга узатилаётган ҳар бир асар ҳам бирор бир шаклда (жанрга) мансуб бўлган ҳолда оммага тақдим этилади. Бу шаклнинг қандай бўлиши журналистга ҳам бевосита алоқадор. Чунки ахборот тобора кичрайиб, минглаб км масофа яқинлашиб бораётган замонда яшаётган бугунги аудиторияни ҳайратга солиб, ўз ижод маҳсулига қизиқтира олиш учун журналист албатта янгиликларга қидиради. Шу сабабдан, бугунги тележурналист ўз жанрни, аввало, шахсий тажрибасига таяниб, шунингдек, фаолият олиб бораётган ОАВнинг ихтисослашуви, кўрсатувнинг қайси мавзуга оидлиги ҳамда омма талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда танлайди. Шу сабабдан, билим ва тажрибалар журналистик услубларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида янгидан-янги ифода йўсинлари юзага келмоқда. Бунда жанрларга қўйиладиган талаблар ўзгаради. Яъни уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири, улар орасидаги фарқ қисқаради. Ҳар бир чиқишнинг ўзига хослиги, тайёрланиш услуби бўлиши зарур. Мисол учун, Моҳинисо Камоловнинг “Қишлоқ ҳаёти”, Саодат Ўрмонованинг

³⁴ Муҳаммедов М., Файзиева Ф., Абляева В. Телевидение асослари, – Тошкент-2009, –Б.47.

“Одамлардан бири”, Нозима Воҳидованинг “Қорачиқ” лойиҳалари томошабин эътиборини тортган лойиҳалар сифатида кенг томошабинлар оммасига ҳавола этилмоқда.

Бошловчилар нутқида шева сўзларнинг, диалектик оҳангнинг учрамаслиги ҳам қатъий белгилаб қўйилиши шарт. Албатта, шевалар ҳам адабий тилнинг маълум бир таркибий қисми. Истаймизми, йўқми кундалик ҳаётимизда улардан фойдаланамиз. Бироқ, шева фақат маълум бир ҳудудгагина тушунарли бўлишини ёддан кўтармаслик керак. ОАВнинг ахборот узатиш кўлами эса чегарасиз. Зеро технология тараққий этган бугунгидек шиддатли замонда интернет орқали дунёнинг исталган еридан туриб ўзбек ОАВларини кузатиш мумкин. Демак, бу жиҳатдан ўзбек адабий тили қонун-қоидаларига риоя этиш тўғрироқ бўлади. Афсуски, миллий телевидениеда бу қоидаларни билмайдиган ёхуд билсада уларга амал қилишни унутиб қўяётган журналистлар ҳам учрайди. Энг кўп қўлланиладиган хатолардан бири сифатида қаратқич келишиги қўшимчаси “–нинг” ўрнига тушум келишиги “–ни” ни ишлатишни мисол қилиш мумкин. Тўғри, бу жуда кичик хато бўлиб кўринади. Аслида, мана шундай кичик хатолар талаффузда сўзларнинг охирини ютиб юборишга ўхшаш катта муаммоларни келтириб чиқаришини ҳисобга оламиз. Демак, кўрсатув услуб оммавий мулоқот ўрнатишининг энг қулай услуби экан, бундай дастурлар тайёрланишига профессионал ёндашмоқ миллий телевидениемизнинг равнақини белгилаб беради.

Телевидение пайдо бўлиб санъат сифатида шаклланганидан бери, бу соҳада талайгина тадқиқот ишлари, илмий-назарий ишлар амалга оширилди. Бу соҳа замонавий санъат сифатида жуда тез ривожланмоқда ва такомиллашмоқда. Бирор объектни ўрганиш вазифаси телевидение ходимларига юклангач турли тарзда тақдим қилиниши томошабиннинг зерикиб қолмаслигига олиб келади.

Президент таъбири билан айтганда “Журналист деган оғир, шу билан бирга, шарафли касбга ўз ҳаётини бағишлаган инсонлар учун юксак

профессионал маҳорат, фаол ҳаётӣ позицияни эгаллаш, халқимизнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаш, бутун дунё миқёсида тез ўзгариб бораётган ўта мураккаб замонда одамларимизга, эл-юртимизга муносиб маслақдош ва суҳбатдош бўлиш, уларни янги марра ва уфқларга чорлаш – албатта, осон иш эмас”. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маълум бир кўрсатувга муаллифлик, бошловчилик қилиш журналистдан юксак маҳорат, кўникма ва улкан билим манбаини талаб қилади.

ХУЛОСА

Телевидение бизнинг ҳаётимизга, хонадонларимизга аллақачон кириб борган. Бирор-бир кунимизни телевидениесиз тасаввур қила олмаймиз. Аудиторияни дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлардан мунтазам хабардор қилиб турган бу ахборот воситаси таъсирчан кучга эга. Телевидениедан ўзимиз истаган мавзуда кўрсатув ва хаттоки қизиқишимизга қараб канал топишимиз мумкин. Информацион характердаги каналлар, кинодастурлар, муסיқий дастурлар ва албатта спорт дастурлари билан бойитилган каналлар мавжуд. Кейинги йилларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари соҳасида қатор ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Янги, замонавий жанрлар телевидениега кўрсатувлар кириб кела бошлади. Ўзбекистон телевидениеси дастурларида ҳам янгидан-янги лойиҳалар пайдо бўляпти. Аммо, эфирга узатилаётган янги кўрсатувлар маълум камчилик ва етишмовчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Нафақат муаллифларнинг ижодий салоҳияти, балки муаллифлар маҳорати, режиссёр, тасвирчи ва бошқа ижодий гуруҳ таркибига кирувчилар ҳатти-ҳаракатида булар яққол сезилиб туради. Бугунги кунда телеканалларнинг энг катта ғоявий тарғибот ва ташвиқотга эга эканлиги ОАВлар ичида энг катта аудиториянинг янгиликларга бўлган эҳтиёжини қондириши билан асосланади.

Жумладан, телевидение соҳасидаги ислоҳотлар ҳам ўз натижасини бера бошлади. Каналларимизда замон талабларига жавоб берадиган янги телевизион лойиҳалар пайдо бўлмоқда. Бу кўрсатувлар сифатини янада яхшилаш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси замонавий, жаҳон талабларига жавоб берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Хулоса қилиб айтганда, энг аввало адрлар масаласи телевидение ишида жуда муҳим. Билимли, салоҳиятли, телевидение тили ва техникасини яхши биладиган, ўзининг замонавий ғоя ва ёндашувлари билан ажралиб турадиган

мутахассислар телевидение ишига жалб этилиб, эскича қараш ва ғоялар курсовида қолган айрим ижодкорлар иши борасида қатъий хулосалар айтилмоқда. Аммо, юқорида номи тилга олинган кўрсатувлар муаллифлари доимо ҳаракатда. Уларнинг мавзуга ўзига хос ёндашувлари кўрсатувлар рейтингига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказган.

Иккинчидан, телеканалларда режиссурага алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Режиссёр билан ишлаш кучайган. Режиссёр ва муаллиф ҳамкорлиги бўлмаса, кўрсатув муваффақиятли чиқмайди. Муаллиф сўзи ва режиссёр ғояси кўрсатувни бир бутунликда ижодий асарга айлантиради. Бу жиҳатдан кўрсатувларда катта аҳамият қаратилаётгани қувонарли ҳолат. Кўрсатувларнинг умумий савиясига, ташқи кўринишига аҳамият кучайди.

Учинчидан, каналларда жаҳон тажрибасидан ўтган энг яхши жиҳатлардан фойдаланишга кенг ўрин ажратилляпти. Жаҳон телеканалларига хос бўлган – рекретив унсурлардан фойдаланиш, интерактив чиқишларни йўлга қўйиш, таҳлилий-танқидий чиқишларни кўпайтиришга кенг аҳамият қаратилмоқда.

Тўртинчидан, тасвир ва матн уйғунлигига эришиш учун, режиссёр ва муаллиф муносабатларини йўлга қўйиш, кўрсатувларда ижодий гуруҳ билан ишлаш маҳорати ошганини эътироф этиш жоиз. Ижодий гуруҳнинг ҳамкорлиги натижаси ўлароқ, “Очиқ мулоқот”, “Сайёр камера”, “Учбурчак” сингари лойиҳалар эфирга чиқмоқда.

Кўрсатувларни ўрганишда айрим муаммолар, камчиликлар мавжудлигига ҳам дуч келдик. Булар орасида қуйидагиларни алоҳида қайд этишни истардик.

Биринчидан, ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи, уларнинг қизиқишларини, истеъдодларини қўллаб-қуватлашга қаратилган ноанъанавий дастурлар мавжудлиги яхши. Аммо, уларнинг муаммо ва камчиликларини, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий-сиёсий мавзудаги телевизион муаллифлик лойиҳаларининг деярли йўқлигини камчилик сифатида кўрсатиш мумкин.

Иккинчидан, каналларда ўз-ўзини таъминлаш масаласи кўндаланг кўйилиши билан каналнинг айрим кўрсатувлар савияси меъёрдан ошди. Рейтингни ошириш учун дуч келган санъаткор кўшиғини эфирга узатиш, ҳар хил сериаллар намойиши, бўлар-бўлмас бизнинг менталитетга тўғри келмайдиган айрим кўрсатувлар эфирга узатиляпти. “Наво” телеканалидаги айрим клиплар ҳам талаб даражасида эмас.

Учинчидан, айрим янги эфирга узатилиши йўлга қўйилган айрим каби кўрсатувлар режиссураси ўта бўш ва матн ўта ғариб. Бу лойиҳалар бугунги томошабинни деярли ҳайратга ҳам солмайди. Таъсири ҳам йўқ. Ҳар бир кўрсатувни тайёрлаш жараёнида бу жиҳатларнинг инобатга олинмаётганини камчилик сифатида санаш мумкин.

Тўртинчидан, замонавий мавзулар танланиши талаб даражасида эмас. Мавзулар танлаш, янги, замонавий ғоялар билан уни бойитиш, муаллифлик чиқишларида унча кўзга ташланмаяпти. Келгусида бу камчиликлар тузатилиши жоиз.

Мавзуни таҳлил қилиб, бир қанча таклифларимизни бермоқчимиз.

- муаммоларига бағишланган кўрсатувларни ташкил этиш керак. Бугунги томошабинда таҳлилий-танқидий дастурларга бўлган эҳтиёж жуда катта. Аммо, ҳозирда мазкур мавзуда деярли ҳеч қандай кўрсатув мавжуд эмас;
- телевидение миқёсида “Энг яхши муаллифлик кўрсатувлари” аниқланиши, мавзу, ғоя нуқтаи назаридан лойиҳалар тақдирлаб борилиши зарур;

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ОАВда фолият олиб бораётган ҳар бир журналистнинг ўз услуби, ижодкорлиги бўлиши лозим. Шундагина у томошабинга янгиликни бериши, ҳеч ким намойиш этмаган ифода йўсинини тақдим қилиши мумкин бўлади. Шунингдек, журналист тайёрлаётган материалнинг мавзусига қараб унга мос бўлган жанрнинг тўғри танлай олса ва уни қизиқарли қилиш учун бошқа жанрлардан зарур элементларидан фойдаланилса, бугунги талабчан ва камдан-кам ҳолатлардагина ҳайратга

тушувчи аудиторияни қизиқтира олишдек вазифани юқори савияда, сифатли қилиб бажара олиш имконияти кенгайди. Бу эса тележурналистика жанрларини янада чуқур ўрганиш лозимлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Назарий ва методологик адабиётлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 40 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни // Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни // Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т., 2009.
- 1.6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда. -Т.:Ўзбекистон, 1999.
- 1.7. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
- 1.8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

II. Монография ва тўпламлар, махсус адабиётлар

- 2.1. Абдухолиқов И. Телевиденида одоб-ахлоқ меъёрлари (халқаро журналистиканинг олтин қондаси)
- 2.2. Акбаров Ҳ. Теле-кинодраматургия: назария ва амалиёт, Т.: “Илм зиё”, 2006.

- 2.3. Винтерхофф-Шпурк П. Медиапсихология. Основные принципы. Пер.с нем. Харьков: Изд-во Гуманитарный центр, 2007.-С.288.
- 2.4. Ворошилов В.В. Журналистика.-М.: Спб, 1999.
- 2.5. Вакурова Н.В., Московкин Л.И. Типология жанров современной экранной продукции. – М.: 1998.
- 2.6. Засурский Я.Н. Факторы, формирующие медиасистемы XXI века // Искушение свободой. Российская журналистика: 1990-2004. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2004. С.55.
- 2.7. Каримов А. Аудиовизуал журналистика(тележурналистика), Т.: ЎзДЖТУ, 2012.
- 2.8. Кузнецов Г.В. Так работают журналисты ТВ. 2-е изд. – М.: МГУ, 2004.;
- 2.9. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л.Юровский А.Я. Телевизионная журналистика, Изд-во МГУ, 4-е изд. М.: 2002.;
- 2.10. Кузнецова Г.В. ТВ журналистика: Критерии профессионализма-М.: Рип-холдинг,2002.
- 2.11. Махаммадалиев Х. Ахборот даврига ўтишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни, /Оммавийкоммуникация: назарий ва амалий талқинлар (илмий мақолалар тўплами). Б.103.
- 2.12. Маклюэн Г.М. Понимание медиа: внешние расширения человека / Пер.с англ. В.Николаева. – 2-е изд. – М.: Гиперборей, Кучково поле. 2007. – С. 278.
- 2.13. Муҳаммедов М., Файзиева Ф., Абляева В. Телевидение асослари, – Тошкент-2009, –Б.47.
- 2.14.Пардаев А, Рўзиев Ф, Маҳаммадалиев Х. Журналистикада тил ва ифода. Тошкент.: “Истиқлол”, 2006.
- 2.15. Фихтелиус Э. “Журналистиканинг 10 қонидаси”, “Шарқ”НМАК, Т.: 2002.-Б.42.
- 2.16. Рэндалл Д. Универсальный журналист, “Алматы”, 1996.
- 2.17. Саидов Ҳ, Тўхлиева Н. “Репортёрлик маҳорати”, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Т.:-2008.

2.18. СодиқоваТ. Яхшиликка етаклаш ибодатдир./7x7 ижтимоий – оммабоп газетаси. 18.09.2008.

2.19. Тешабоева Д. Оммавий ахборот воситаларида нутқ маданияти. Т.: “Фан ва технология”. 2011.- Б.84.

III. ДАВРИЙ НАШРЛАР ВА ИНТЕРНЕТ МАНБАЛАРИ

5.1 Абдухолиқов И. Тележурналист устахонасидан, “Садо” газетаси, 2007 йил 1 февраль

5.2.Каримов А., Ҳайбати – маънавиятида, “Тошкент ҳафтаномаи”, 2003 йил 15 май

5.3.Абдухолиқов И. Телевидение режиссураси, «Садо” газетаси 2007 йил 11 январь

5.4. www.mtrk.uz

5.2. www.kun.uz